Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 67 (13.329).
23 МАРТ 1966 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИК БОНГИ

Беш йиллик нафасини сезиб турибмиз, беш йиллик чақириғини тинглямоқдемиз. Ҳар даврнинг ўз ҳислати бор, ҳар даврнинг ўз фазилати деганларидек, беш йиллик режаларимиз ҳам улуғвор, ҳам жозибадордир. Елкасида етмиш йилнинг юки бўлган етти йиллик планларини муваффақиятли бажарган халқимиз янги марраларни кўзлаяпти. Меҳнат ва кураш, яратиш ва қуриш беш йиллиги бошланди. Қаҳрамонлик анъаналари давом этмоқда. Замон марди майдонлари ота-боболаримизнинг шонли традицияларини кўз қорачиғидай асраб, олтмишинчи йиллар обидаси бўлиб қоладиган гигант саноат корхоналарини бунёд этмоқдалар. Чирчиқ тизма ГЭСлари ва Фарҳод гидроэлектростанцияси дастлабки беш йилликларда нур ишқида тепган қалбларнинг кўнгил уйини чароғон этган бўлса, Тошкент ва Бекобод ГРЭСлари коммунизм қураётган совет кишисининг юзидай ёруғ бўлади.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон машинасозлик саноати ибтидоий ҳунармандчиликдан индустриянинг замонавий тармоғи даражасига кўтарилди. Машинасозларимиз пахта ишқида ёниб ишламоқдалар. Беш йиллик мобайнида янги, мукаммал пахта териш машиналари, ғўза парваришида қўл келадиган серунум агрегатлар ҳамда пахтачиликни комплекс механизациялаш учун зарур бўлган бўлак машина-механизмлар яратилади ва кўплаб тайёрланади. Бу бир жиҳатдан индустриянинг юраги бўлган машинасозлигимиз етуклигидан далолат бўлса, иккинчидан, деҳқон меҳнатини савияси ва унумдорлиги жиҳатидан мелакали ишчи меҳнатига яқинлаштиради.

Ўзбекистон химия саноати деганимизда дафъатан хаёлга урушдан илгариги беш йилликларда бунёд этилган Чирчиқ химия комбинати келади. Эндиликда химия саноати корхоналарининг сафи кенгайди, улар чиқараётган маҳсулотнинг сифати яхшиланди, тури кўпайди, миқдори ортди. Республикамиз химикларининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалигига мўл-кўл ўғит етказиб беришдан иборат, токи бошқа иқтисодий районлардан ортиқча маблағ сарфлаб ўғит ташиб келтиришга эҳтиёж қолмасин. Беш йилликда ўғит тайёрлашни икки баравар ошириш назарда тутиляпти. Ана шу муҳим вазифани тўла адо этиш химия саноати корхоналари коллективларининг шарафли бурчидир. Пахтачилик эҳтиёжи учун етарли миқдорда дефолиантлар ва гербицидлар етказиб бериш учун ҳамма резерв ва имкониятларни ишга солмоқ лозим.

Биз юқорида республикамиз индустрияси уч асосий тармоғининг беш йилликдаги ривожи ҳақида қисқача гапириб ўтдик. Умуман саноатимиз тараққиёти тўғрисида муҳокама юритадиган бўлсак, беш йилликда унинг ялпи маҳсулоти 1,6 баравар ортади. Саноатда меҳнат унумдорлиги 30-33 процент кўтарилади. Оғир саноат тармоқлари билан бир қаторда битмас-туганмас хом ашё ресурсларига эга бўлган енгил ва маҳаллий саноат, шунингдек озиқ-овқат саноати ҳам гуркираб ўсади. Индустрия бу тармоқларнинг ўсиш суръатлари ўтган беш йилдагига нисбатан анча илдам бўлишини айтиб ўтиш кифоядир.

Саноатимиз ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилмоқда. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари асосида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳот шарофати билан саноатга раҳбарлик такомиллаштирилмоқда, планлаштириш пухта илмий негизга қўйилмоқда. Корхона ҳуқуқлари кенгайтирилиб, иқтисодий омилларнинг тобора кенгроқ жорий этилаётганлиги туфайли ишчилар ва техника интеллигенциясининг меҳнат активлиги ва ижодий ғайрати жўш урмоқда. Хусусан бу СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 — 1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани бўйича партия XXIII съезди Директивалари лойиҳасини муҳокама этишда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Совет кишилари Директивалар лойиҳасини якдиллик билан маъқуллаб, экономикамизни янада жадалроқ ривожлантиришнинг резерв ва имкониятларини кўрсатиб ўтмоқдалар, таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташламоқдалар. Жумладан, редакциямизга мактуб йўллаган бир гуруҳ олим ва мутахассислар Ўзбекистонда умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган тўқимачилик-трикотаж саноати марказини барпо этиш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлишини таъкидлаб ўтадилар. Хом ашё ва меҳнат ресурсларининг мўл-кўллиги, сарфланган маблағлар кўп ўтмай ўзини қоплаши бунинг гаровидир. Кўпгина газетхонлар республика маҳаллий саноатини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўртага қўйдилар, халқ кенг истеъмол буюмлари сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш юзасидан қимматли таклиф ва мулоҳазаларни илгари сурадилар.

Беш йиллик биринчи баҳори бошланди. Индустриямиз меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди шарафига баракали меҳнат қилиб, 1966 йил топшириқларини бажаришда янги зафарларни қўлга киритмоқдалар. Республикамиз саноати икки ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Планга қўшимча равишда бир неча миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Кўпгина корхоналар биринчи квартал топшириғини партия XXIII съезди очиладиган кунгача бажариш учун курашмоқдалар.

Беш йиллик бонги бутун республика бўйлаб янграмоқда. Ҳар бир меҳнаткаш қалбида акс садо бермоқда. Бу чақириқ, бу бонг саноат меҳнаткашларининг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда, илҳом бахш этмоқда, янги нурли чўққиларга, улуғвор зафарларга чорламоқда.

КУН ТАРТИБИДА—СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МАСАЛАЛАРИ

Республикада пенсия ва давлат нафақалари тўлаш учун ҳар йили 277 миллион сўм сарфланмоқда. Ишчилар ва хизматчилар билан бир қаторда, колхозчилардан 382 минг киши ҳам пенсия билан таъминланмоқда. Ўзбекистон ССР социал таъминот органлари ходимларининг 22 мартда бўлиб ўтган республика кенгаш-семинарида ана шу рақамлар тилга олинди.

Кенгашни республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусаховов очди. Ўзбекистон ССР социал таъминот министри В. С. Содиқова доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари 1965 йилги иш якунларини таҳлил қилдилар, пенсия ишини янада такомиллаштириш соҳасидаги ўз вазифаларини муҳокама қилдилар.

• • •

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова 22 мартда социал таъминот ходимларининг катта бир группасига республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини топширди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Жамоат тартибини сақлаш ва республика давлат хавфсизлиги органларида узоқ йиллар давомида самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат хавфсизлиги комитетининг Сурхондарё область бошқармаси бошлиғи Арташес Александрович **Дадаян** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида сеялкалар чигит экишга тахт қилиб қўйилди. Штатсиз фотомухбиримиз Ф. Лутфиллаев халқ контроли комитетига кўмаклашувчи группа аъзоларидан Э. Қўргонбоев (чапдан) ва Ғ. Ҳамроқулов ўртоқларни ремонт қилинган сеялка қисмларини кўздан кечираётган вақтларида суратга олган.



Қашқадарё область Қарши районидаги «Коммунизм» колхози кўйлам экин кампаниясига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Суратда: ремонтдан чиқарилган техника кўрикдан ўтказилмоқда.

И. Чернов фотоси.

ЕР СОЗ—ҲОСИЛ МЎЛ

БУХОРО ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида Ўрта Осиё республикалари, айниқса Ўзбекистон ССРда ирригация ва мелиорация ишларини кучайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш йўли билан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш истиқболлари аниқ белгилаб берилган. Партия ва ҳукуматнинг доимий ғамхўрлиги туфайли ўтган етти йил мобайнида бу соҳада катта ишлар қилинди. Республикамизда янги каналлар, сув омборлари барпо этилди. Қўшимча равишда жуда кўп суғориш шохобчалари вужудга келтирилди. Буларнинг ҳаммаси бугун коммунистик мўл-кўлчилик учун хизмат қилмоқда.

Ленин орденли Бухоро областида яқиндагина қурилиб фойдаланишга топширилган КПСС XXIII съезди номли Аму—Бухоро канали ана шундай йирик сув иншоотларидан биридир. Канал воҳада асрлардан буён қақраб ётган чўлларга ҳаёт олиб келади. Янги экинзорлар, боғлар, кўм-кўк яйловлар барпо этади. Аму—Бухоро канали сувидан баҳраманд бўлган область хўжаликларида пахтанинг ялпи ҳосили 1970 йилга бориб 350 минг тоннага етади ёки ҳосилдорлик гектар бошига қариб 4 центнер ортади. Областда дон етиштириш 27 минг тоннага етади. Амударё билан туташ бўлган ерларда шоликорлик совхозлари барпо этилади ва қимматли экин ҳосили уч баравар оширилади. Мева, полиз ва сабзавот экинлари ҳосилдорлиги икки баравар кўпаяди.

Ромитан ва Вобкент районидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш максадида Ғарбий ва Шимолий Ромитан коллекторлари вужудга келтирилади. Шуниси характерлики, бу жуда катта ҳажмдаги ирригация ва мелиорация ишларининг ҳаммаси давлат маблағлари ҳисобига бажарилади. Шундай қилиб, деҳқонлар ҳозиргача ирригация ва мелиорация мақсадларига сарфлаб келган катта-катта маблағларини эндиликда ўз моддий-маиший даражаларини ошириш мақсадларига сарфлаш имкониятига эга бўладилар. Бу тадбир колхозларнинг аъзолари, совхозларнинг ишчилари манфаатлари йўлида партия ва ҳукумат кўрсатаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Яқинда бўлиб ўтган Бухоро области партия комитетининг пленумида обком секретари ўртоқ П. О. Чекин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Бухоро областида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари тўғрисида чиқарган қарори қандай бажарилаётгани ҳақида доклад қилди. Докладчи ўтган қисқа вақт ичида Бухоро областида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан талайгина ишлар қилинганлигини қайд қилиб ўтди.

Пленум кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан сўзга чиққан Навоий район партия комитетининг биринчи секретари М. Мироқов, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи П. Рябков, «Когон» совхозининг директори Ю. Муҳамедов, Ромитан район партия комитетининг биринчи секретари Я. Наврўзов, Қоракўл район партия комитетининг секретари И. Солиев ва бошқа нотиқлар ерларнинг заҳини қочириш юзасидан жойларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтдилар.

Бундан ташқари, пленум қатнашчилари бўлиб ўтган область, шаҳар ва район партия конференцияларида қўйидан бўлган танқидий мулоҳазалар қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини ҳам эшитдилар.

Область партия комитети пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Н. М. Матчонов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

С. КАРОМАТОВ,
Т. НАЗИРОВ,
«Совет Узбекистони» махсус мухбирлари.

СССР Олий Совети Президиумида

ИТТИФОҚ СОВЕТИГА ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ

СССР Конституциясининг 34-моддасига ҳамда «СССР Олий Советига сайлов тўғрисида Низом»нинг 24 ва 26-моддаларига асосан, СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 22 мартдаги Фармони билан СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 767 сайлов округини, шу жумладан қуйидаги сайлов округларини тузди:

ЎЗБЕКИСТОН ССР АНДИЖОН ОБЛАСТИ

602. **Андижон сайлов округи.** (маркази — Андижон шаҳри).

Андижон шаҳри, Андижон ва Москва районлари.

603. **Избоскан сайлов округи.** (маркази — Пойтуғ қишлоғи).

Балиқчи, Избоскан ва Учқўрғон районлари.

604. **Ленинск сайлов округи** (маркази — Ленинск шаҳри).

Ленинск шаҳри ва Қўрғонтепа, Ленин ва Хўжаобод районлари.

605. **Наманган сайлов округи** (маркази — Наманган шаҳри).

Наманган шаҳри ва Бўз, Задарё ва Наманган районлари.

606. **Чортоқ сайлов округи** (маркази Чортоқ қишлоғи).

Чуст ва Янгиқўрғон районлари.

БУХОРО ОБЛАСТИ

607. **Бухоро шаҳар сайлов округи** (маркази—Бухоро шаҳри).

Бухоро, Когон шаҳарлари ҳамда Когон ва Ромитан районлари.

608. **Бухоро қишлоқ сайлов округи** (маркази— Бухоро шаҳри).

Бухоро, Вобкент, Қоракўл ва Томди районлари.

609. **Навоий сайлов округи** (маркази — Навоий шаҳри).

Навоий шаҳри билан Учқудуқ посёлкаси, Ғиждувон, Конимех ва Навоий районлари.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

610. **Қарши сайлов округи** (маркази — Қарши шаҳри).

Қарши шаҳри билан Қарши станцияси поселкаси ва Ғузор, Қарши ҳам Косон районлари.

611. **Шаҳрисабз сайлов округи** (маркази — Шаҳрисабз шаҳри).

Шаҳрисабз шаҳри билан Октябрск поселкаси ҳамда Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Яккабоғ районлари.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

612. **Булунғур сайлов округи** (маркази — Красногвардейск поселкаси).

Булунғур, Ғаллаорол, Нурота ва Пойариқ районлари.

613. **Каттақўрғон сайлов округи** (маркази — Каттақўрғон шаҳри).

Каттақўрғон шаҳри билан Ингичка поселкаси, Каттақўрғон сув омбори ҳамда Каттақўрғон, Нарпай ва Хатирчи районлари.

614. **Самарқанд шаҳар сайлов округи** (маркази — Самарқанд шаҳри).

Самарқанд шаҳри билан Суперфосфатний, Хишров поселкалари ва Пастдаргом райони.

615. **Самарқанд қишлоқ сайлов округи** (маркази — Самарқанд шаҳри).

Иштихон, Самарқанд ва Ургут районлари.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

616. **Денов сайлов округи** (маркази — Денов шаҳри).

Денов шаҳри ҳамда Денов, Сариосиё ва Шўрчи районлари.

617. **Термиз сайлов округи** (маркази — Термиз шаҳри).

Термиз шаҳри билан Паттакесар, Термиз станцияси поселкалари ҳамда Бойсун, Жарқўрғон, Термиз ва Шеробод районлари.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

618. **Гулистон сайлов округи** (маркази — Гулистон шаҳри).

Гулистон шаҳри ҳамда Гулистон, Жеттисой, Киров, Пахтаорол ва Сирдарё районлари.

619. **Янгиер сайлов округи** (маркази — Янгиер шаҳри).

Жиззах, Янгиер шаҳарлари билан Ховос поселкаси ҳамда Боёвут, Жиззах, Зомин, Ильич ва Фориш районлари.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

620. **Тошкент — Ленин сайлов округи** (маркази — Тошкент шаҳри).

Тошкент шаҳрининг Ленин ва Фрунзе районлари.

621. **Тошкент—Киров сайлов округи** (маркази — Тошкент шаҳри).

Тошкент шаҳрининг Киров ва Куйбишев районлари.

622. **Тошкент—Октябрь сайлов округи** (маркази — Тошкент шаҳри).

Тошкент шаҳрининг Октябрь райони.

623. **Тошкент—Чилонзор сайлов округи** (маркази — Тошкент шаҳри).

Тошкент шаҳрининг Чилонзор райони.

624. **Ангрен сайлов округи** (маркази — Ангрен шаҳри).

Ангрен, Янгиобод шаҳарлари билан Красногорский, Чигириқ поселкалари ва Ўрта Чирчиқ райони.

625. **Бўка сайлов округи** (маркази — Бўка қишлоғи).

Олмалиқ шаҳри билан Оҳангарон поселкаси, Бекобод шаҳри ҳамда Бекобод ва Бўка районлари.

626. **Калинин сайлов округи** (маркази — Тошкент шаҳри).

Калинин ва Ўрта Чирчиқ районлари.

627. **Чирчиқ сайлов округи** (маркази — Чирчиқ шаҳри).

Чирчиқ шаҳри билан Чорвоқ поселкаси ва Оржоникидзе районлари.

628. **Янгийўл сайлов округи** (маркази — Янгийўл шаҳри).

Янгийўл шаҳри ҳамда Оққўрғон ва Янгийўл районлари.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

629. **Қўқон сайлов округи** (маркази — Қўқон шаҳри).

Қўқон шаҳри ва Киров ҳамда Ўзбекистон районлари.

630. **Ленинград сайлов округи** (маркази — Янгиқўрғон қишлоғи).

Ленинград, Бағдод ва Поп районлари.

631. **Марғилон сайлов округи** (маркази — Марғилон шаҳри).

Марғилон шаҳри билан Горчаково станцияси посёлкаси ва Олтнариқ ҳамда Охунбобоев районлари.

632. **Фарғона сайлов округи** (маркази — Фарғона шаҳри).

Қувасой, Фарғона шаҳарлари билан Қирғули посёлкаси ва Қува ҳамда Фарғона районлари.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

633. **Урганч сайлов округи** (маркази — Урганч шаҳри).

Урганч шаҳри ва Гурлан, Урганч ва Шовот районлари.

634. **Хива сайлов округи** (маркази — Хива шаҳри).

Хива шаҳри ва Ҳазорасп, Хива ҳамда Янгиариқ районлари.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

635. **Нукус сайлов округи** (маркази — Нукус шаҳри).

Нукус шаҳри билан Қоратов, Қизкетекн, Пристань посёлкалари ҳамда Кегайли, Қўнғирот, Мўйноқ, Тахтакўпир ва Чимбой районлари.

636. **Тўрткўл сайлов округи** (маркази — Тўрткўл шаҳри).

Хўжайли шаҳри билан Тахиатош шаҳри ва Водник посёлкаси, Амударё, Беруний, Тўрткўл, ва Хўжайли районлари.

СССР Конституциясининг 35-моддасига ҳамда «СССР Олий Советига сайлов тўғрисида Низом»нинг 25 ва 26-моддаларига асосан СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 22 мартдаги Фармони билан Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 750 сайлов округини, шу жумладан қуйидаги сайлов округларини тузди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР

97. **Андижон сайлов округи** (маркази — Андижон шаҳри).

Андижон шаҳри ва Андижон областининг Андижон ҳамда Москва районлари.

98. **Ленинск сайлов округи** (маркази — Ленинск шаҳри).

Ленинск шаҳри ва Андижон областининг Қўрғонтепа, Ленин ва Хўжаобод районлари.

99. **Избоскан сайлов округи** (маркази — Пойтуғ қишлоғи).

Андижон областининг Избоскан, Балиқчи ҳамда Учқўрғон районлари.

(Охири иккинчи бетда).

ТАСС АХБОРОТИ

«КОСМОС-113» ПАРВОЗДА

1966 йил 21 мартда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-113» учирилди.

Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

КПСС XXIII съезди делегатлари

АСЛ ДЕҲҚОН

ЛАВҲА

У торгина йўлдан аста одим ташлаб, яхлит картаҳлар сийнасига зимдан разм ташлаб борарди.

Икки пайкал ўртасидаги ариқчадан сакраб ўтди-да ўз участкаси тепасида тўхтади. Кундуз ёқали пальтосининг тугмаларини ечиб, бақувват қўлларини белларига тираганича она тупроғига узоқ тикилиб қолди, саховатли ер қулиб турарди.

Йигит ёнида пайдо бўлган мўйсафидни пайқамаган эди. У аввал йигит билан қуюқ сўрашди. Сўнгра оппоқ соқолларини тутамлаб туриб:

— Кундан-кунга семириб, билқиллаб кетяпти еринг, зўр иш қилдингдир азаматларим — деди.

Абдубашорнинг йирик-йирик кўзлари, қулча юзларида мамнунлик аломати жилваланди, у кафтига олган бир сиқим тупроққа хазина топгандай меҳри товланиб узоқ боқди, нимлардир деб пичирлади.

— Дилингдагини сезиб турибман, кел бир оз гаплашайлик, бахниятингдан хабардорман, тупроқнинг қадрига етадиган асл деҳкон боласисан, ҳамма қаракатинг, тортган ташвишларингга гувохман, — отахон тахта каравот четига ўрнашиб олиб вазмин гапирди, — жуда узоқ йиллар шўрланиб ётарди бу ерлар.

Бир кун карасам сен турибсан. Юрагинг ачишиб боқаётганингни сезган эдим. Сен билан яна уч ўртоқ келишди. Қадоқли қўлларинг кора мой, ёнингда бахайбат машина, ўнқир-чўнқир жойлардан юриб кетди машинанг. Ҳафта деганда кафтдек текислаб чиқдинг. Шунда саксон ёшининг қирқини улоқтириб ташлаб, сенларга шерик бўлгим келиб кетди...

— Кейин яна бир зўр иш қилдиларинг, ўт томирларини кўриб, камарни яна ҳам маҳкам боғладиларинг, тўртовлон томир отиб кетган ўтнинг илдизи билан суғиришга киришдинг. Ҳар томирни юлиб ташлаганда ер танаси яйраб, тупроклар уваланиб, майинлашарди.

Абдубашор, режанг пухта экан. Аввалига атрофдаги зовурларни чуқур қавладинг, кейин пайкални текис олиб, яхоб сувига чунонам кондирдинг, оқариб ётган тузларни эритиб, шўрни ювдинг.

Қаҳратон қиш демадинг, қор-қиров демадинг пайкалда парвона бўлдинг, сен меҳр қўйиб, бетиним меҳнат қилганингдан кўкламда ер чеҳраси очилди, ғубору рутубатлари кўтарилди.

Аввалгари уругни қалин экиб кетишаверарди, ниҳол зичлигидан бири иккинчисини сиқиб қўяр, нимжон ўсарди, сен донолик қилиб, аниқ ҳисоб билан чигит ташладинг, пазаримда қимматбаҳо уругнинг ҳам кўпга етди, қадалган чигит бирма-тўла бақувват уна бошлади.

Кунлар кетидан кунлар, ҳафта сўнгидан ҳафталар бир-бирини қувалашиб тез ўтиб кетди. Ғўзанга маҳлиё бўлиб, унга меҳрингни тўкдинг. Бир кун бўлиқ ғўзанг тепасида тўхтадинг, шона, гулга тўла ғўза шохларига тўйиб-тўйиб боқдинг, бир нафас ёгатга ўтирдинг, қуёшда қорайиб кетган кенг манглайингдаги терни қадоқли бармоқларинг билан сидириб ташладинг, чеҳранг ёришди, чарчоғинг тарқалди.

Сен зорикиб кутган олтин куз ҳам — сепи-сидиргаси билан кириб келди. Сен ерни алдамадинг, унинг ҳам сахийлиги тутиб кетди, ҳазинасини тўкиб солди. Аммо ҳосил тезроқ териб олишингни кутарди. Чамандек очилган лўппа пахталарга завқ билан, меҳр билан боқдинг, билакларинг кучигакуч қўшилди, ғайратинг ошди. Тараддудинг зўр экан, шу ёшга келиб бунақа жасоратни кўрганмасман. Ҳафта-я, бир ҳафта деганда машинада ҳамма ҳосилни йиғиб олдинг, балли азамат!

Элга берган аҳдинг устидан чиқдинг, ҳурматинг ошди, пайкалинг тепасига қўшнилар, ҳамкасабаларинг келишди, «Ўша қамишзорми, шу жой, қўлинг гул экан-ку Абдубашор, ерининг чиройини очибсан, ҳосил ҳам зўр бўпти-да» дейишарди.

Абдубашор отахони ҳикоясини тугатгунча чурк этмай миғиғида кулиб ўтирди. Кейин унга маъноли тикилиб «уқдим», барини англадим, отахон. Аммо ҳали юмушим кўп. Ана кўряпсизми, чуқурлар кавлаяпмиз, ғўнг келтириб тупроққа қўшиб кўмиб қўяяпмиз, чиройли. Кўкламга ҳозирлик бу» деётганден бўлдари.

Шу пайт — Абдубашор! деган чақириқ йигитнинг фикрини бўлиб юборди. У айланиб ортига қараган эди, тўрт-беш кишини кўрди.

— Бу меҳмонлар звенонгизнинг иши, ҳисоб-китоби билан танишгани келишди, — деди колхоз раиси Ҳайдарали ака.

Идорага қайтишгач, раис Абдубашорга юзланиб:

— Меҳмонлар Тошкентдан келишган. Уларни шахсан сенинг звенонгдаги даромад-буромад қизиқтиради. Шуларни гапириб бер санг, — деди.

— Пахтанинг таннархими? Бир центнери салкам 12 сўм,— деб жавоб қилди Абдубашор.

Иқтисодчилар шунинг ўзи билан чегараланиб қолишмади. Абдубашор бошлиқ звено аъзолари Абдусамад, Абдумўминлар 45 гектар ернинг ҳар гектаридан 37,6 центнердан аъло сифатли ҳосил олгани, ҳосилнинг 95 процентини машина билан теріб олингани, шунинг учун звено аъзоларининг бир кунлик иш ҳаки 11 сўмдан ошиқ бўлганини суриштиришди.

Бир неча йилдан буён сурункасига планни тўлдираолмай келган Бекобод районида 1965 йили план ортиғи билан бажарилди. Шунинг учун ҳам ҳозир районда наряднсз звенолар методи, Ленин номли колхоз аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдубашор Усмонов тажрибаси кенг қўлланмоқда-да!

• • •

Орадан кўп ўтгани йўқ. Абдубашор ўзининг ҳаворанг «Волга»сида Тошкентдан ҳурсанд қайтди. Уйига кириб чиқди-ю, яна даласига ошиқди.

— Азиз турпроғим, — дея фикран такрорлади у, — тингла, мен кандай хушхабар келтирдим, — ҳозиргина Тошкентдан, катта йиғиндан қайтдим. Звеном, колхозим довруғи, обрўси ортди, сен туфайли она тупроқ! Сен туфайли мен қаҳрамон бўлдим, мени Москвага партия съездига вакил қилиб сайлашди, қандай катта ишонч бу!

Абдубашор тўқиналиб ерга боқарди. Худди шу пайт унинг пайкали яқинидаги дарвозадан яна ўша мунсиллаган Қулмон ота ҳассасига суяниб чиқиб қолди:

— Балли азамат, катта йиғиндан қайтдингми? Сен ўша йиғинда одамларга ерни қадрланг, уни тўйдиринг, умрини ўтказманг деб тайинламадингми? — деб сўради.

— Айтдим, отахон. Мана кўрасиз, Бекободимиз яна ҳам бойбадавлат, обод бўлади...

Ф. УСМОНОВА.

ЎЛКАМИЗ ЯШНАСИН

Тошкентда табиатни муҳофаза қилиш ва қўқаламзорлаштириш республика жамиятининг иккинчи съезди бўлиб ўтди.

Республика советининг раиси М. И. Исамуҳамедовнинг ҳисобот докладида ва съезд қатнашчиларининг нутқларида наманганликлар қилаётган ишлар намуна қилиб кўрсатилди. Улар ўз шаҳарларини гуллаб-яшнаётган боққа айлантиришга қарор қилиб, икки йил ичида бир миллион тупдан зиёд мевали дарахт ва бута кўчатлари ўтказдилар.

Съезд ишида Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон табиатни муҳофаза қилиш республика жамиятларининг вакиллари иштирок этдилар.

Съезд табиат дўстларини янги олижаноб ишларни амалга оширишга чақирди ҳамда жамиятни янада оммавий ва таъсирчан қилишга даъват этилган уставига бир қанча тузатишлар ва қўшимчалар киритди. Табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти советининг ва ревизия комиссиясининг янги состави сайланди.

Жамиятнинг янгидан тузилган республика советининг мажлисида А. С. Абдалин жамият советининг раиси қилиб сайланди. (ЎзТАГ).

КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳаси муҳокамада

КАТТА РЕЖАЛАР

ҚОРАҚАЛПОҚ САНОАТИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Амударёнинг қуйи оқимидаги районлар саноати йил сайин юксалмоқда. Саноат маҳсулотининг ялпи ҳажми 1964 йилда 1940 йилдагига нисбатан уч баравардан кўпроқ ортди. Энергетика саноати, айниқса жадал юксалмоқда. Шунингдек, пахта толаси ишлаб чиқариш шу муддат ичида 2,4 баравар, ўсимлик мойи тайёрлаш 3,5 баравар, ғишт пишириш қарийб 4 баравар кўпайди.

Кейинги йилларда Нукус шаҳрида йирик панелли уйсозлик заводи барпо этилди, мотор-ремонт заводи ишлаб турибди. Шунингдек, бир қанча енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари бунёдга келтирилди.

Биз бу мақолада Амударёнинг қуйи оқимидаги районлар саноатини ривожлантиришга доир баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчимиз.

Амударёнинг қуйи оқимидаги районларда бой минерал хом ашё ресурслари, ёқилғи энергетика ресурслари мавжуд. Ана шу манбалар негизида экономикани янада жадал суръатлар билан ривожлантириш ҳамда фақат шу район учунгина эмас, умуман Ўрта Осиё республикалари учун катта аҳамиятга молик бўлган индустриянинг прогрессив тармоқларини ривожлантириш мумкин. Ҳозир бу районда табиий газнинг саноат аҳамиятига эга бўлган катта манбалари топилди. Шу билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган саноат ўзининг йирик хом ашё базасига эгадир. Шу районга кирувчи Қорақалпоғистон Автоном Республикасида — галит-астроханит тузларининг юз миллион тонналаб ҳисобланадиган запаслари аниқланди. Ана шу конлар асосида химия саноатини тараққий эттириш лозим. Султонуиздоғ тальк кони хом ашёсидан тайёрланган магнизит талқони қишлоқ хўжалиги учун инсектофунгисит тайёрлашда унинг таркибий қисми сифатида ишлатиш мумкинлиги амалда исботланди.

Гап юритилаётган районда цемент хом ашёсининг ҳам мўл-кўл запаслари борлиги аниқланган. Разведка қилинган запасларнинг ўзигина ўн миллионлаб тонна ҳисобланади.

Амударёнинг қуйи оқимидаги районларда химия саноатини, биринчи навбатда минерал ўғит ишлаб чиқарадиган заводлар барпо этиш катта иқтисодий аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда Амударё қуйи оқимидаги районларга йилига 500 минг тоннага яқин минерал ўғит ташиб келтирилмоқда. Темир йўл орқали шунча миқдордаги минерал ўғитни ташиб келтириш учун 1 миллион сўм сарфланяпти. 1970 йилга келиб эса ана шу райондаги хўжаликлар йилига 800-900 минг тонна минерал ўғит ишлатишлари мўлжалланмоқда. Ана шуларни назар-эътиборга олсак, Амударёнинг қуйи оқимида азот ўғитлари заводи қуриш нақадар зарурлиги янада равшанроқ бўлиб қолади. Янги завод энергия билан тўла-тўкис таъминланади. Тахиатош ГРЭСи Бухоро табиий газида ишламоқда. Унинг қуввати 48 минг киловаттга етди. Бора-бора бу ГРЭСнинг қуввати 250 минг киловаттга етади. Бундан ташқари, Туямўйин ГЭСи қурилишини ҳам назарга олсак, саноат эҳтиёжлари учун, жумладан азот ўғитлари заводи эҳтиёжи учун ҳам энергия етарли бўлиши равшандир.

Тахиатош ва Туямўйин гидроузелларининг барпо этилиши билан Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг шимолий районларидаги юз минглаб гектар ерларни ҳамда Тошовуз группаси районларидаги 500 минг гектар ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имкониятлари яратилади. Янги гидроузелларнинг барпо этилиши билан экин майдонлари ўрта ҳисобда 1 миллион гектар кенгаяди. Ана шу янги экин майдонларини минерал ўғит билан таъминлаш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Ана шуларни назарда тутиб ҳамда Амударё қуйи оқимида қишлоқ хўжалигининг тараққиётини ўйлаб, Тахиатош шаҳрида азот ўғитлари заводи қуриш керак, деган таклифни ўртага ташлаяпмиз. Янги корхонанинг барпо этилиши пахта, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишга имкон беради.

Ҳозир Амударё қуйи оқимидаги районларда енгил саноат, пахта тозалаш ва озиқ-овқат саноати тармоқлари анча кенг тараққий этган. Саноат ялпи маҳсулотининг 80 процентини индустриянинг ана шу тармоқлари беради. Аммо йирик пахта етиштириш райони бўлган Хоразм областида пахта тозалаш заводлари нотекис жойлаштирилганлигини айтиб ўтиш лозим. Уларнинг қуввати етиштирилган ҳосилни қайта ишлашга мос эмас. Қорақалпоғистон АССРда ҳам бундан бўён пахтачилик асосан Автоном Республиканинг жанубида ривожланишини назарда тутсак, шу ерда ҳам янги пахта тозалаш заводлари қуриш иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлар, деб ҳисоблаймиз.

К. ЖАББОРБЕРГЕНОВ,
илмий ходим.

ЖИЗЗАХДАГИ қурилиш материаллари комбинатида съезд олди социалистик мусобақаси тобора авж олмоқда. Сиз бу суратда аъло сифатли маҳсулот тайёрлаб ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган ишчилардан (чапдан ўнгга): Н. Абдураҳмонов, Е. Сафарова ва В. Юру ўртоқларни кўриб турибсиз.
А. Тўраев фотоси.

ИТТИФОҚ СОВЕТИГА ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ

(Боши биринчи бетда).

100. **Наманган сайлов округи** (маркази — Наманган шаҳри).
Наманган шаҳри ва Андижон областининг Бўз, Задарё ҳамда Наманган районлари.

101. **Чортоқ сайлов округи** (маркази — Чортоқ қишлоғи).
Андижон областининг Чуст ва Янгиқўрғон районлари.

102. **Бухоро шаҳар сайлов округи** (маркази— Бухоро шаҳри).
Бухоро, Когон шаҳарлари, Навоий шаҳри билан Учқудуқ посёлкаси ҳамда Бухоро областининг Когон, Қоракўл, Ромитан ва Томди районлари.

103. **Бухоро қишлоқ сайлов округи** (маркази — Бухоро шаҳри).
Бухоро областининг Бухоро, Вобкент, Гиждувон, Конимех ва Навоий районлари.

104. **Қарши сайлов округи** (маркази — Карши шаҳри).
Қарши шаҳри билан Қарши станцияси посёлкаси, Қашқадарё областининг Гузор, Қарши ва Косон районлари.

105. **Шаҳрисабз сайлов округи** (маркази — Шаҳрисабз шаҳри).
Шаҳрисабз шаҳри билан Октябрь посёлкаси, Қашқадарё областининг Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Яккабоғ районлари.

106. **Булунғур сайлов округи** (маркази — Красногвардейск посёлкаси).
Самарқанд областининг Булунғур, Ғаллаорол, Нурота ва Пайариқ районлари.

107. **Каттақўрғон сайлов округи** (маркази — Каттақўрғон шаҳри).
Каттақўрғон шаҳри билан Ингичка посёлкаси, Каттақўрғон сув омбори ва Самарқанд областининг Каттақўрғон, Нарпай ва Хатирчи районлари.

108. **Самарқанд шаҳар сайлов округи** (маркази — Самарқанд шаҳри).
Самарқанд шаҳри билан Суперфосфатний, Хишров посёлкалари ҳамда Самарқанд областининг Пастдарғом райони.

109. **Самарқанд қишлоқ сайлов округи** (маркази — Самарқанд шаҳри).
Самарқанд областининг Иштихон, Самарқанд ҳамда Ургут районлари.

110. **Денов сайлов округи** (маркази — Денов шаҳри).
Денов шаҳри ва Сурхондарё областининг Денов, Сариосиё ҳамда Шўрчи районлари.

111. **Термиз сайлов округи** (маркази — Термиз шаҳри).
Термиз шаҳри билан Паттакесар, Термиз станцияси посёлкалари, Сурхондарё областининг Бойсун, Жарқўрғон Термиз ва Шеробод районлари.

112. **Гулистон сайлов округи** (маркази — Гулистон шаҳри).
Гулистон шаҳри ва Сирдарё областининг Гулистон, Жеттисой, Киров, Пахтаорол ҳамда Сирдарё районлари.

113. **Янгиер сайлов округи** (маркази — Янгиер шаҳри).
Жиззах, Янгиер шаҳарлари билан Ховос посёлкаси ҳамда Сирдарё областининг Боёвут, Жиззах, Зомин, Ильич ва Фориш районлари.

114. **Тошкент — Ленин сайлов округи** (маркази — Тошкент шаҳри).
Тошкент шаҳрининг Ленин ва Фрунзе районлари.

115. **Тошкент—Киров сайлов округи** (маркази — Тошкент шаҳри).
Тошкент шаҳрининг Киров ва Куйбишев районлари.

116. **Тошкент—Октябрь сайлов округи** (маркази —Тошкент шаҳри).
Тошкент шаҳрининг Октябрь ва Чилонзор районлари.

117. **Ангрен сайлов округи** (маркази — Ангрен шаҳри).
Ангрен, Янгиобод шаҳарлари билан Красногорский, Чирчиқ посёлкалари ҳамда Тошкент областининг Ўрта Чирчиқ райони.

118. **Бўка сайлов округи** (маркази — Бўка қишлоғи).
Олмалиқ шаҳри билан Оҳангарон посёлкаси, Бекобод шаҳри ва Тошкент областининг Бекобод ҳамда Бўка районлари.

119. **Калинин сайлов округи** (маркази — Тошкент шаҳри).
Тошкент областининг Калинин ва Юқори Чирчиқ районлари.

120. **Чирчиқ сайлов округи** (маркази — Чирчиқ шаҳри).
Чирчиқ шаҳри билан Чорвоқ посёлкаси ва Тошкент областининг Оржоникидзе райони.

121. **Янгийўл сайлов округи** (маркази — Янгийўл шаҳри).
Янгийўл шаҳри ва Тошкент областининг Оққўрғон ҳамда Янгийўл районлари.

122. **Қўқон сайлов округи** (маркази — Қўқон шаҳри).
Қўқон шаҳри ва Фарғона областининг Киров ҳамда Ўзбекистон районлари.

123. **Ленинград сайлов округи** (маркази — Янгиқўрғон қишлоғи).
Фарғона областининг Ленинград, Боғдод ва Поп районлари.

124. **Марғилон сайлов округи** (маркази — Марғилон шаҳри).
Марғилон шаҳри билан Горчаково станцияси посёлкаси ҳамда Фарғона областининг Олтиариқ ва Охунбобоев районлари.

125. **Фарғона сайлов округи** (маркази — Фарғона шаҳри).
Қувасой, Фарғона шаҳарлари билан Қирғули посёлкаси ҳамда Фарғона областининг Қува ва Фарғона районлари.

126. **Урганч сайлов округи** (маркази — Урганч шаҳри).

127. **Нукус сайлов округи** (маркази — Нукус шаҳри).
Нукус шаҳри билан Қоратов, Қизкеткен, Пристань посёлкалари ҳамда Қорақалпоғистон АССРнинг Кегайли, Қўнғирот, Мўйноқ, Тахтакўпир ва Чимбой районлари.

128. **Тўрткўл сайлов округи** (маркази — Тўрткўл шаҳри).
Хўжайли шаҳри билан Тахиатош шаҳри, Водник посёлкаси ҳамда Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Хўжайли районлари.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

558. **Амударё сайлов округи** (маркази — Мангит посёлкаси).
Амударё райони.

559. **Беруний сайлов округи** (маркази — Беруний шаҳри).
Беруний райони.

560. **Кегайли сайлов округи** (маркази — Кегайли овули).
Кегайли райони.

561. **Қўнғирот сайлов округи** (маркази — Қўнғирот шаҳри).
Қўнғирот райони.

562. **Мўйноқ сайлов округи** (маркази — Мўйноқ шаҳри).
Мўйноқ райони.

563. **Нукус сайлов округи** (маркази — Нукус шаҳри).
Нукус шаҳри билан Қоратов, Қизкеткен ва Пристань посёлкалари.

564. **Тахтакўпир сайлов округи** (маркази — Тахтакўпир овули).
Тахтакўпир райони.

565. **Тўрткўл сайлов округи** (маркази — Тўрткўл шаҳри).
Тўрткўл райони.

566. **Хўжайли шаҳар сайлов округи** (маркази — Хўжайли шаҳри).
Хўжайли шаҳри билан Тахиатош шаҳри ва Водник посёлкаси.

567. **Хўжайли қишлоқ сайлов округи** (маркази — Хўжайли шаҳри).
Хўжайли райони.

568. **Чимбой сайлов округи** (маркази — Чимбой шаҳри).
Чимбой райони.

Хатларингизга жавоб берамиз

ЮЛҒИЧЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Республикамиз пойтахти Тошкентда такси енгил машиналари тобора кўпаймоқда. Бу билан меҳнаткашларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўляпти. Лекин айрим шоферлар йўловчиларга нисбатан ҳурматсизлик, кўпполик қиляпти, йўл кирани ортиқча оляпти. Кечки пайтларда айниқса такси машиналарга талаб кучаяди. Буни пайқаган баъзи шоферлар йўл кираки ўлчов бирлигига қараб олмаяпти.

Йўловчилардан олинган шикоят хатида шундай дейилган эди. Редакция хатни Тошкент шаҳар автомобиль трестига юборибмиз, келтирилган фактларни текшириб кўришни, тасдиқланган тақдирда юлғич шоферларга чора кўришни илтимос қилди. Олинган жавоб хатида бундай дейилади:

— Текширишда шикоятда келтирилган фактлар қисман тасдиқланди. Йўловчилар ҳақиқа хиёнат қилгани, йўл қоидасини бузгани учун 8 шофер икки ойдан саккиз ойгача енгил машинани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Ишлаб чиқариш илғорлари ва жамоатчилик вакилларидан иборат рейд бригадалар тузилиб, вақти-вақти билан текшириш ўтказиш тадбирлари белгиланди. Энг яхши ва тажрибали шоферларнинг иш тажрибаси оммалаштириляпти. Серқатнов кўчаларнинг такси машина тўхташ жойларида навбатчилар туришади. Автомобиль хўжаликларида аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун социалистик мусобақа ташкил қилинди.

ТЎКИН ДАСТУРХОН

Андижон областида озиқ-овқат саноатини тез суръатлар билан ривожлантириш учун катта резерв ва имкониятлар мавжуд. Областнинг маҳаллий ва табиий шароити ҳам ана шу талабларга жуда мос келади. КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида Узбекистонда ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни 1,3 баравар ва мева-сабзавот консервалари тайёрлашни 1,6 баравар кўпайтириш таъкидланган. Бу улкан вазифаларни амалга оширишда Андижон областининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Областда пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва узумчилик каби соҳаларнинг ривожланиб бораётганлиги бу ерда ёғ-мой, консерва, виночилик, гўшт-сут саноатини тараққий эттириш учун база бўлиб хизмат қилади. Область озиқ-овқат саноати корхоналари аҳолини хилма-хил маҳсулотлар билан муттасил таъминлаб туришга, секин-аста кўпчилик овқатларнинг ўйда тайёрланишини қисқартириб боришга имконият яратиб бериш учун даъват этилган. Ҳозирги вақтда областда йигирмадан ортиқ йирик озиқ-овқат корхоналари мавжуд. Колхоз ва совхозларда, маҳаллий ташкилотларда аҳолига хизмат кўрсатаётган майда корхоналар бу ҳисобга кирмайди.

Шундай бўлса-да, ОБЛАСТДА ОЗИҚ-ОВҚАТ КОРХОНАЛАРИНИ ТЎҒРИ ЖОЙЛАШТИРИШ ҲАҚИДА КЕНГРОҚ МУЛОҲАЗА ЮРИТИШ ЛОЗИМ БЎЛАДИ. КОРХОНАЛАРНИНГ ТЕРРИТОРИАЛ ЖИҲАТДАН НОТЎҒРИ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ ОБЛАСТДАГИ ШАҲАРЛАР ВА РАЙОНЛАРДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ҲАМДА ХОМ АШЕНИНГ НОУРИН ТАШИБ ЮРИЛИШИГА САБАБ БЎЛМОҚДА. НАТИЖАДА МАҲСУЛОТ СИФАТИ ПАСАЙИБ, ТАННАРХИ ҚИММАТЛАШЯПТИ. Аҳолини зарур маҳсулотлар билан бир меъёрда таъминлаб туришга халақит бермоқда. Янги корхоналарни қурганда уларнинг хом ашё базаларига яқинлигини ҳисобга олиш, республикадаги бошқа областлар билан алоқаларни назарда тутиш керак. Озиқ-овқат саноатини бутун чоралар билан ривожлантириб бориш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатли ва хилма-хил бўлишини тақозо этади.

1966—1970 йилларда область озиқ-овқат саноати кенг ривож топади. Кўпгина корхоналар қуриб фойдаланишга топширилади, анчагина завод-фабрикалар реконструкция қилинади. Ишлаб чиқариш участкаларини механизациялаш ва автоматлаштириш борасида ҳам анчагина тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, Андижон шаҳрида янги нон заводи қуриш мўлжалланмоқда. У ҳар кеча-кундузда юз тонна нон тайёрлаб чиқара олади. Корхонада кондитер цехи ҳам бўлади. Цех йилига 5 минг тонна кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Заводда меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усуллари жорий этилади. Хом ашё қоп-қанорсиз ташиб келтирилади ва сақланади.

Шаҳардаги консерва заводини кенгайтириш ва реконструкция қилиш кўзда тутилмоқда. Заводда мева ҳамда сабзавот консервалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Янги цех фойдаланишга топширилиши билан корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш анча кўпаяди. 10 миллион банка сабзавот консервалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Булар беш йиллинда бунёд этиладиган янги корхоналарнинг бир қисми, холос. Озиқ-овқат саноати корхоналари қаторига қўшиладиган завод-фабрикалар область меҳнаткашлари дастурхонини яна ҳам тўкин қилади.

Я. ТОЛСТОНОГ,
инженер-экономист.

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

СОЦИАЛИЗМНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЛАРИ

Коммунистик партиямизнинг яқинда бўлиб ўтган февраль Пленуми СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съездининг Директивалари лойиҳасини муҳокама қилди. Лойиҳада кўзда тутилган вазифаларнинг улуғворлиги, асосий план кўрсаткичларининг улканлиги партия ва ҳукуматимиз халқ хўжалиги вазифаларини амалга оширишда чинакам илмий йўл тутаётганлигини, объектив иқтисодий қонунларга қатъий амал қилиш асосида жамият тараққиётига раҳбарлик қилаётганликларини яққол кўрсатиб турибди. Янги беш йиллик план халқимизнинг моддий ва маънавий талабларини янада тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

Директиваларда беш йил мобайнида мамлакатимизнинг миллий даромадини 38-41 процент ўстириш, реал даромадларни эса аҳоли жон бошига ҳисоблаганда тахминан 1,3 баробар кўпайтириш мўлжалланган. Саноат маҳсулотининг ҳажмини тахминан бир ярим баробар ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ўстириш суръатларини саноатни ўстириш суръатлари билан яқинлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Янги беш йиллиннинг муҳим хусусиятларидан бири—қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни саноат ишлаб чиқариши даражасига яқинлаштириш проблемасини ҳал этишдир.

КПСС Марказий Комитетининг ўтган йилги март ва сентябрь Пленумларинг белгиланган тадбирларнинг туб моҳияти халқ хўжалигига раҳбарликни илмий социализмнинг объектив иқтисодий қонунлари асосида ташкил этишга, социализмнинг иқтисодий дастаклари—қиймат, баҳо, фойда, рентабелликдан тўла фойдаланиш ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарасини кескин равишда оширишга қаратилганлигида эди. КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми маъқуллаган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съездининг халқ муҳокамасига қўйилган Директивалари лойиҳасига эътибор қилсак, иқтисодий қонунлар партия ва давлатимиз иқтисодий сиёсатининг негизи, хўжаликни бошқариш планлаштиришнинг илмий асоси бўлиб қолганлигидан тўла далолат беради.

Иқтисодий қонунларнинг моҳияти нимада?

Жамият муайян социал ва иқтисодий қонунлар негизида ривожланади. Шундай экан, иқтисодий қонунлар моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва уларни тақсимлашдаги ижтимоий муносабатларни, яъни кишилар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларининг моҳиятини ифодалайди. Иқтисодий қонунлар ўз табиати жиҳатидан объектив характерга эга бўлиб, улар кишиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, муайян иқтисодий шароитлар асосида пайдо бўлади ва ана шу шароитлар барҳам топиши билан ўз кучини йўқотади. Лекин кишилар иқтисодий қонунларга ўз ихтиёрларича барҳам беришлари ёки уларни янгидан яратишлари мумкин эмас. Балки бу қонунлардан жамият манфаатларини кўзлаб, ўз иқтисодий муносабатларини ўзгартириш йўлида фойдаланадилар. Масалан, жамият тараққиётида товар ишлаб чиқариш ва товар айирбошлашнинг келиб чиқиши билан унинг маҳсули — қиймат қонуни ҳам пайдо бўлади. Қиймат қонуни — товарлар қийматини уни ишлаб чиқариш учун сарфланган ижтимоий харажатлар билан белгилашни тақозо қилади. Коммунистик жамиятда товар хўжалиги тугалиши билан унинг ҳосиласи — қиймат қонуни ҳам ўз аҳамиятини йўқотади.

Коммунизмнинг биринчи босқичида меҳнатга қараб тақсимлаш қонуни моддий неъматларни тақсимлашнинг асосий қонуни бўлиб қолади. Бизнинг давлатимиз бу қонундан иқтисодий ва моддий рағбатлантириш воситаси сифатида фойдаланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида, миллий даромад ўсиб борганлиги асосида меҳнаткашларнинг реал даромадлари кўпайганлиги қайд этилди. Ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг минимал миқдори, шунингдек кам ҳақ олаётган ва ўртача ҳақ олаётган ходимларнинг тариф ставкалари ҳамда окладлари оширилди. Иш ҳақидан олинаётган солиқлар ишчи ва хизматчиларнинг анча қисми учун бекор қилинди ёки камайтирилди. Колхозчилар учун пенсиялар белгиланди ва минимал миқдори оширилди. Коммунистик жамиятнинг юқори босқичида эса ишлаб чиқариш кучларининг юқори даражада ривожланиши заминида ва моддий неъматларнинг мўл-кўллигига эришиш орқали меҳнатга қараб тақсимлашнинг иқтисодий қонуни ўз кучини йўқотади ва моддий неъматларни тақсимлашнинг янги қонуни—«ҳар кимнинг эҳтиёжига яраша» тақсимлаш иқтисодий қонуни амал қилади.

Иқтисодий қонунларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, уларнинг амал қилиши оқибат натижада ҳалқ оммасининг актив фаолияти орқали намоён бўлади. Шундай экан, кишилар иқтисодий қонунларни ўрганишлари, билишлари ва коммунистик қурилишда улардан кенг фойдаланишлари керак. Марксча сиёсий иқтисод фанининг вазифаси—иқтисодий ҳаёт ва унинг жараёнларини доимо ўрганиб, уларни систематик равишда таҳлил қилиш, назарий жиҳатдан умумлаштириб боришдан иборат. Кишилар билиб олинган қонунларга ва иқтисодий тараққиётнинг етилган эҳтиёжларига қараб экономикага таъсир кўрсатадилар. Янги иқтисодий муносабатларнинг ва уларга хос янги қонунларнинг вужудга келишига сабаб бўладилар.

Социализмда иқтисодий қонунлардан онгли равишда фойдаланиш учун барча зарур шароитлар мавжуд, социалистик мулк ва социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳукмронлиги, халқ хўжалигининг планли, пропорционал ривожланиши, иқтисодий қонунлар ва иқтисодий дастаклардан фойдаланишдан манфаатдор бўлган илғор синфлар, сиёсий органларнинг мавжудлиги, кенг халқ оммасининг шахсий манфаатлари билан ижтимоий манфаатларнинг бир-бирига мос келиши—иқтисодий қонунлар учун кенг майдон очиб берувчи омиллардир.

Ҳар қайси жамиятнинг ўзига хос иқтисодий қонунлари бўлгани каби, социализмнинг ҳам ўзига хос иқтисодий қонунлари бор. Социализмнинг асосий иқтисодий қонуни — халқ хўжалигининг планли, пропорционал ривожланиши қонуни, меҳнат унумдорлигини тобора ошира бориш ва меҳнатга қараб тақсимлаш қонунлари шулар жумласидандир. Социализмнинг асосий иқтисодий қонуни ишлаб чиқаришнинг туб мақсадини белгилаб беради. Унинг характерли белгиси — ижтимоий ишлаб чиқаришни замонавий техника заминида узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида жамият аъзоларининг доимо ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдир. Масалан, бизнинг мамлакатимизда етти йилликда саноат ва озиқ-овқат молларининг истеъмол қилинишни кўпайди. Чакана товар оборотининг ҳажми 60 процент ошди, сатҳи 556 миллион квадрат метр уй-жой қурилди.

Социализмнинг асосий иқтисодий қонуни — социалистик ишлаб чиқаришнинг ривожланиш қонунидир. Бу қонун ишлаб чиқаришнинг асосий мақсадини ва шу мақсадга эришиш воситаларини белгилаб беради. Социалистик ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади—капитализм синфари кўпроқ фойда олиш эмас, балки меҳнаткашлар оммасининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Директивалар лойиҳасида беш йиллиқда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини бир-бирига яқинлаштириш, саноат маҳсулотининг ҳажмини тахминан 1,5 марта ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш, техникани тараққий эттириш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш сингари жуда муҳим тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилганлигини социалистик ишлаб чиқаришнинг ривожланиш қонуни тақозо этмоқда.

Социализмнинг асосий иқтисодий қонуни меҳнаткашларнинг реал даромадларининг тўхтовсиз ўсиб бориши, халқ истеъмолининг доимо ошиб бориши ва аҳоли истеъмол қиладиган буюмларнинг тобора кўпроқ ишлаб чиқарилишида ўз ифодасини топади. Халқ хўжалигининг планли, пропорционал ривожланиш қонуни хўжаликнинг айрим тармоқлари ўртасида муайян нисбатлар бўлишини тақозо қилади. Саноат билан қишлоқ хўжалиги, саноат билан транспорт, оғир саноат билан енгил саноат, ишлаб чиқариш билан моддий ва меҳнат ресурслари ўртасида тўғри нисбатлар бўлиши — иқтисодий қонуннинг амал қилиш формасидир. Социалистик давлат халқ хўжалик

ХУШХАБАРЛАР

Сурхондарё областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга сут сотиш квартал планини муддатидан илгари бажардилар. Қабул пунктларига 4160 тонна ёғи ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 477 тонна кўп сут етказиб берилди.

Ленинск шаҳридаги ёғ-экстракция заводида беш йилликнинг биринчи йили бошидан буён пландан ташқари йигирма тонна пахта ёғи ишлаб чиқарилди. Партия XXIII съезди шарафига олинган мажбуриятда ана шунча миқдорда ёғ ишлаб чиқариш кўзда тутилган эди.

Завод коллективи съезд очиладиган кунгача пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Янгиердаги темир-бетон буюмлар заводи лойиҳада кўзда тутилган қувватига эришди. Корхона коллективи КПСС XXIII съезди шарафига вахтага туриб ишлаб, квартал планини муддатидан олдин бажарди. Ҳозир корхонада бетон узелини реконструкция қилиш тугалланди, армокаркаслар тайёрлаш иши механизациялаштирилди.

МЕҲРИБОНЛАР

Октябрь районидаги 7-бирлашган шаҳар болалар касалхонаси ходимлари ташаббуси билан Й. Охунбоев номли республика ёш томошабинлар театрида «Медицина ходимлари ота-оналар учун» деган темада кеча ўтказилди. Унда район маҳаллаларида яшовчи ота-оналар қатнашдилар. Театр фойесида «Соғлом бола бурчаги», «Мактаб ёшидаги болалар бурчаги», «Озодалик бурчаги», «Эмизикли болани парвариш қилиш». «Болаларни овқатлантириш» деган темаларда кўргазмаларни ота-оналар зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

Кечада касалхона бош врачи Қ. Ризаев касалхона ходимларининг болалар саломатлигини сақлаш, уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши учун олиб бораётган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

11 болани тарбиялаган қаҳрамон она М. Ойтўраева, Зарбдор маҳалла комитетининг раиси Нурмуҳамедова ва бошқа ўртоқлар қўли гул, меҳри дарё участка врачларидан Е. Авцина, Р. Ҳамдамова, К. Ёқубова, А. Рябчикова, медицина ҳамширалари Н. Темирова, В. Иванова ўртоқлар ҳақида илиқ сўзлар айтишди.

Болаларнинг саломатлигини сақлашда актив иштирок этаётган ота-оналарга Тошкент шаҳар Қизил ярим ой жамиятининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

АҲИЛ ОИЛАЛАР ДАВРАСИДА

ҲАВАСИНГИЗ КЕЛАДИ

— Абдуқодир амакиникига тўйга!

Ёз тугаб, куз бошланаётган кезларда маҳалла қоровули Мажид ака хонадонларга шу хабарни бирма-бир етказди.

Бир кун илгари тўй маслаҳати бўлди. Бунга оқсоқоллар, маҳалла активлари қатнашди. Қанча гуруч дамлашни, тўйда ким қайси вазифани бажариши келишиб олинди. Ҳа, оила каттаси Абдуқодир отанинг табаррук тўйи бу. Ота олтмиш беш ёшга тўлибди. Тотув оилаларнинг ўғил-қизлари, келинлар маслаҳатлашиб, меҳрибон падарларига тўй қилиб беришаётир.

Ота ўз ўғилларидан, келинларидан рози! Она ҳам меҳрибон фарзандлари, қадрдон келинларидан рози! Фарзандлар ҳам уларнинг оташ меҳри саховатидан мамнун. Ота-она келинларини фарзанд деб бағрига олгач, келинлар ҳам уларни отам-онам деб ҳурмат қилади-да!

Меҳмонлар бу тотув оилага ҳавасланиб, сўзлашиб ўтиришарди:

— Бундай кунларга етишнинг ўзи бахт.

— Амакининг фарзандлари жуда ажойиб...

— Ҳа, ҳар кимнинг ўғил-қизи шуларга ўхшасин.

Одамлар бу гапларни дилдан чиқариб, севиниб айтишарди. Абдуқодир амаки баъзан кўча эшикка қўйилган ясатиғлик стол олдида, баъзан тўйхонада пайдо бўларди. У сурма ранг бекасам тўн, бошига қалампир нусха маргилон дўпписи кийиб олган, чўққи соқоли нур ёғилиб турган юзларига жуда ярашиб турарди.

Абдуқодир амакининг икки ўғли, икки келини врач. Катта ўғиллари ҳам масъул ходим.

Амакининг уйи маҳалламиз бошланадиган кўча бошида, катта суванинг бўйида. Ота ўтган — кетган хордик чиқарсин, деб анҳор бўйидаги икки тол ўртасига курсича қилиб қўйган. Атроф ҳамма вақт тоза туради.

Тўй жуда яхши бўлди. Кенг ҳовли одамлар билан тўлганда Абдуқодир амаки икки оғиз сўз айтмоқчи бўлиб айвонга чиқдилар:

— Қадамларингизга ҳасанот, азиз меҳмонлар, — дея гап бошладилар, — кимки дунёга келиб ота-она бўлиб фарзанд ўстирар экан, унинг фарзанди меҳнаткаш, хушфеъл, одобли бўлса, ота-она кўчада кўкрагини кериб юради. Ундай фарзанд ота-онасига раҳмат келтиради...

Мен амакининг сўзларини эшитиб туриб, ёз кунларининг бирида маҳалламиз чойхонасида икки муйсафид ўртасида бўлган гапларни эсладим. Улардан бири:

— Қайси куни ярим кечада неварам оғриб қолди. Ўғлим телефонга югураётган эди, уни тўхтатдим. Сабр қил, ўзимизнинг маҳалламизда йигирмага яқин врач бор дедим-да, тўппа-тўғри Абдуқодирнинг эшигини тақиллатдим. У гапимни эшитиб бўлиб, «тушунарли, бунақа касални тузатишга кичик келиним омил, ҳозир уйготаман» деб кириб кетди. Сал ўтмай келини ўғли билан бошлашиб чиқди. Бир неварамнинг кураги ўртасига қулоқ солди, бири укол қилди. Неварам тинчиди-қолди...

— Эй нимасини айтасиз, унинг болалари барака топишсин, кўп яхши болалар-да...

Тўй куни эртасига амаки билан гаплашиб ўтириб, шуларни айтиб бердим. Бундоқ қарасам унинг юзлари ёришиб, кўзлари чақнаб кетди. Ўғил-қизи, келин-куёви ҳақида бировларнинг миннатдорчилик билдиргани эшитиш ота учун қанчалик қувонч эканини амакининг юз-кўзидан сезиб турардим.

Абдуқодир амаки байрам кунлари кўкрагига орден, медалларини тақиб чиқади. Бир куни шуларга ишора қилгандим у:

— Ҳа, энди биз ҳам озми-кўпми хизмат қилганмиз, — деб кулиб қўйди.

Бугунги кунда олтмиш беш ёшга кирган, ўғиллари, келинларидан миннатдор ҳолда пири-бадавлатлик гаштини сураётган ҳаммаҳаллам Абдуқодир ота Охунжоновга ҳамманинг ҳаваси келади!

С. МАҲКАМОВ,
Октябрь район, Шарқ маҳалласи.

Нукуслаги қурилиш материаллари комбинатининг ишчи ва инженер-техник ходимлари КПССнинг XXIII съездини меҳнат зафарлари билан нишонлашга аҳд қилганлар. Корхона йил бошидан бери планга қўшимча равишда анчагина маҳсулот ишлаб чиқарди. Суратда: корхона пешқадамларидан бири—кранчи Галина Самекеева.

Н. Ключнев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ГАЗЕТА ТЕМАСИДА

ИЛҲОМБАХШ МАВЗУ

Партия съезди арафасида совет кишиларининг ижод булоқлари тағин ҳам жўш урмоқда. Ҳамма беш йиллик ишқибозларига қувонч билан боқяпти, ажойиб режалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтяпти.

Директива лойиҳаларини кенг пропаганда қилиш, меҳнаткашларнинг хат-хабарларига газета саҳифаларидан кенг ўрин бериш, мазкур проблемани кўтариб чиққан материалларни кўпроқ босиш, партиямизнинг улуғворлигини тараннум этиш ҳар қачондагидек шу кеча-кундузда ҳам совет матбуотининг, жумладан область, район газеталарининг энг муҳим вазифасидир.

Андижон область «Коммунист», «Сирдарё ҳақиқати», «Хоразм ҳақиқати» ва «Коммуна», «Ленин йўли» газеталари КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳаларини кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтириш, жонли рақамларнинг маъзини чақиб бериш, режаларимизни истиқбол кўзгусида одамларга яққол кўрсатиш борасида бирмунча дуруст иш қилмоқдалар.

«Коммунист» газетасининг 19 март сонида ҳам одатдагидек съезд материалларига кенг ўрин берилди. Директива лойиҳаларида: «... Наманган штапель толадан шойи ва костюмбоп газламалар ишлаб чиқарувчи комбинат қурилиши тугаллансин...» деб кўрсатилган. Газетанинг биринчи саҳифасида ана шу комбинат бош инженери К. Неверних, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпайиши ҳақида Андижон нон комбинатининг директори М. Михитарян ўртоқларнинг, ички саҳифаларда «Андижон областининг беш йиллик ишлари» деган умумий сарлавҳа остида область план комиссиясининг раиси С. Аҳмедов, область суғориш системалари бош бошқармасининг бошлиғи К. Абдуллаев «Ўзбекнефть» республика бирлашмасининг бош инженери Г. Алижонов, Андижон шаҳридаги 21-мактаб директори С. Ҳайдаров, Балиқчи район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи М. Ўринов ва бошқа ўртоқларнинг қизиқарли материаллари, юксалиш суратларини кўрсатувчи диаграммалар, беш йиллик ижолкорлари — оддий, камтарин совет кишиларининг портретлари берилган. «Нурли истиқбол» сарлавҳали бош мақола ҳам анча ҳарорат билан ёзилган.

«Сирдарё ҳақиқати»нинг деярли ҳар бир сонида Директива лойиҳаларини пропаганда қилувчи, КПСС XXIII съезди шарафига социализм мусобақа кенг авж олганлигини васф этувчи материаллар бериб борилаётгани кишини қувонтиради.

Газетанинг 12 март сонида режа ва таклифларга кенг ўрин берилган. Жиззахдаги қурилиш материаллари комбинати партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ф. Қобилов коллектив эришган муваффақиятларни айтиш билан бирга муҳим масалани ўртага ташлаган.

Область ижроия комитети архитектура бўлимининг бош инженери ўртоқ А. Аҳмадниёзов янги ер очаётган чўлқуварларга шинам, пишиқ уйларни қўпроқ қуриш масаласини кўтариб чиқади.

«Хоразм ҳақиқати», Самарқанд область «Ленин йўли», Фарғона область «Коммуна» газеталари съезд шарафига эришилаётган меҳнат зафарлари тўғрисидаги хабарларни биринчи саҳифаларда кўзга кўринарли жойда ёритиб, тўғри иш қилмоқдалар. Бу газеталарнинг коллективлари КПСС XXIII съезди делегатлари ҳақида қизиқарли материалларни тез-тез бериб турибдилар.

Афсуски, айрим область ва район газеталари ҳақида бундай деб бўлмайди.

«Совет Қорақалпоғистони» газетаси 14 март сонида «КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасини маъқуллаймиз» деган умумий сарлавҳа остида бир саҳифа материал берди. Саҳифадаги материалларнинг ярми расмий хабарлар. «Илмий техника тараққиёти» сарлавҳали материал эса умумий сўзлардан иборат бўлиб қолган.

Қорақалпоғистонда ҳам, Сурхон воҳасида, Қашқадарёда ҳам янги беш йилликка улуғвор режалар амалга оширилади. Қарши, Шеробод даштлари чекинади. Амударё соҳилларида йирик шолиқор совхозлар қанот ёзади, қишлоқ-овуллар таниб бўлмаслик даражада ўзгариб кетади, янги маданият ўчоқлари қад кўтаради. Буларнинг барч газеталар учун, журналистлар учун нақадар илҳомбахш мавзу.

Партиямизнинг доно режаларини, эртага рўёбга чиқиши мукаррар бўлган орзуларни, планларни газета саҳифаларида оммабоп қилиб кўрсатайлик.

Ҳ. НУРИДДИНОВ.

нисбатларини планли равишда белгилаш ва уни жорий этиш йўли билан иқтисодий қонуннинг амал қилишига кенг майдон очиб беради.

Халқ хўжалигининг планли, пропорционал ривожланиш қонуни меҳнаткашлар оммасининг ижодий активлигини ташкил этувчи ва изга солувчи планлар орқали амалга оширилади, халқ хўжалигига план асосида раҳбарлик қилиш социалистик давлатнинг иқтисодий фаолиятидан келиб чиқади. Социалистик планлаштириш чуқур илмий характерга эга. Планлаштириш ишлаб чиқарувчи кучларнинг эришган даражаси, моддий ва маънавий ресурсларнинг тўла ишга солиниши, айниқса меҳнаткашлар оммасининг ижодий фаолияти ва активлиги ҳисобга олинишини тақозо қилади. Буни Директивалар лойиҳаси очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошира бориш социализмнинг мақсуд иқтисодий қонунларидан ва коммунизм қуришнинг муҳим шартларидан биридир. Меҳнат унумдорлиги муайян вақт бирлигида ишлаб чиқариш учун сарф қилинадиган меҳнат миқдорини камайтириш ёки, бир хил миқдорда меҳнат сарф қилиб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш демакдир. Меҳнат унумдорлиги жонли ва жонсиз меҳнатни тежаб-тергаб сарфлашни, юқори самараларга эришишни таъмин этади. Социализмда меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши муттасил характерга эга бўлиб, замонавий техникадан кенг миқёсда фойдаланиш ва уни такомиллаштириш, меҳнаткашларнинг маданий-техника савиясини ошириш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, материаллардан, ҳом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш билан таъминланади. Меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнаткашлар оммасининг ижодий фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Социалистик мусобақа, коммунистик меҳнат бригадалари, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашувчи бригадалар, ҳом ашё ва материаллардан самарали фойдаланиш учун кураш, иқтисодий тежаш йўлида авж олиб кетган умумхалқ ҳаракати, меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошириш иқтисодий қонуннинг амалда рўй бериши демакдир.

Ҳар бир ижтимоий тузумнинг моддий неъматларни тақсимлашда ўзига хос қонуни бўлади. Бу қонун жамиятда ишлаб чиқариш муносабатларининг характерига боғлиқ. Социализмда моддий неъматлар жамиятнинг, меҳнаткашларнинг умумий эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда тақсимланади. Меҳнатга қараб тақсимлаш—социализм даврида объектив иқтисодий қонундир. Тақсимотнинг бу формаси — социализмда эришилган ишлаб чиқариш кучларининг даражасига ва меҳнаткашларни моддий рағбатлантириш принципига мос бўлиб тушади.

Меҳнатга қараб тақсимлаш меҳнаткашларни моддий манфаатдорликка, ўз маданий-техника савиясини ва малакасини оширишга рағбатлантиради: ишчи кучининг қўнимсизлигига йўл қўймасликка ва доимий малакали кадрлар тайёрлаб боришга ёрдам беради. Бу қонун ишчи ва хизматчиларга турли формаларда, яъни вақтбай, ишбай, мукофотлаш тартибида ҳақ тўлашда намоён бўлади.

Коммунистик партия ва Совет давлати ўзининг иқтисодий сиёсатида коммунистик қурилишнинг турли босқичларида хўжалик сиёсатининг асосий вазифаларини белгилаб беради, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналиши ва муҳим тенденцияларини, хўжаликни бошқаришнинг асосий формалари ва ташкилий принципларини аниқлайди. Иқтисодий қонунлардан фойдаланишнинг муваффақияти — улардан тўғри хулосалар чиқара билишга, иқтисодий назарияни хўжалик практикаси билан бирга кўшиб олиб боришга боғлиқ. Иқтисодий қонунлардан тўғри фойдаланиш учун хўжалик сиёсатида уларга суянмоқ керак. Акс ҳолда, иқтисодий қонунлар амалда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг ўтган йилги март Пленуми кейинги 10 йил давомида қишлоқ хўжалигида юз берган жиддий хато ва камчиликларни таҳлил қилди. Пленум қишлоқ хўжалигига раҳбарликда йўл қўйилган хатоларнинг сабаби — социализм иқтисодий қонунларига етарли даражада эътибор берилмаганлигининг оқибати бўлди, деб таъкидлади. Пленум қишлоқ хўжалигидаги қолоқликни тугатиш, уни совет экономикасининг илғор тармоғига айлантириш учун зарур бўлган тадбирларни ишлаб чиқди. Янги беш йиллик лойиҳасида қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатларни тўғри йўлга солиш, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг жамоат хўжалигини юксалтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, шахсий манфаатни ижтимоий манфаат билан тўғри қўшиб олиб бориш масаласига алоҳида эътибор берилди. Бу ҳаёт тақозосидир.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг тарихий қарорлари амалга ошира борилиб, дастлабки жуда катта ғалабалар қўлга киритилди. Масалан, Ўзбекистон пахтакорларининг 1965 йилда мислсиз ғалабаларни қўлга киритганликлари бунинг тимсолидир. Республикамиз меҳнаткашлари 3.900 минг тоннадан ортиқ пахта етиштириб, социалистик мажбуриятларини ҳам ортиги билан бажардилар.

Социализм иқтисодий қонунларидан ва шу туфайли вужудга келган иқтисодий муносабатлардан тўғри фойдаланиш вазифалари КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларида ўз ифодасини топди. Пленум саноат ишлаб чиқаришидаги асосий камчиликларни чуқур таҳлил этиб, саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни иқтисодий, моддий жиҳатдан рағбатлантириш тўғрисида муҳим тадбирлар ишлаб чиқди. Бу тадбирлар ўз аҳамияти жиҳатдан жиддий иқтисодий ислоҳотлар бўлиб, бутун совет экономикасини жадал қадамлар билан ривожлантиришга ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга қаратилди.

Совет халқи партиямизнинг бўлажак XXIII съездини хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Янги беш йиллик план Директивалари лойиҳасидан руҳланган республикамиз меҳнаткашлари совет пахтачилигини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини юксак даражага кўтариш учун фидокорона курашмоқдалар. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 — 1970 йилларга мўлжалланган плани коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда, совет халқининг фаровонлигини ошириш суратларини тезлаштиришда янги муҳим босқич бўлади.

О. АМИНОВ,
иқтисод фанлари доктори.

КРЕМЛДАН ҚЎНҒИРОҚ

М. В. ВОДОПЯНОВ.

Дастлабки Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидан бири, машҳур учувчи, ҳарбий темада ёзилган асарлари билан кенг танилган ёзувчи М. В. Водопянов Ўзбекистон «Билим» жамиятининг таклифига биноан республикамизга келиб, бир неча кун меҳмон бўлиб кетди. Қуйида ёзувчининг «Шунқорнинг ҳалокати» номли янги қиссасидан парча ўқийсиз.

Телефон ҳамон жим.

Соколов ёзув столи устидаги биллур қаламдондан қаламларни олиб учини оча бошлади. Кейин тўкилган қизил, кўк ва зангор қириндиларни кулдонга ташлаб, стулга омонатгина ўтирди-да, телефон ёнида очиқ ётган китобни варақлаб:

— Эҳтимол бузилгандир... — деб ўйлади, телефон трубкасини секин қўтариб қулоғига тутди.— Қисқа-қисқа сигнал эшитилди, деман ишлаяпти. Трубкани эҳтиётлик билан ўрнига қўйиб, хонада ўйчан юра бошлади.

Эшик ёнида осилгик турган календардан бир варагини йиртиб беихтиёр тикилиб қолди: бугун 1940 йилнинг 13 июни, кунининг узунлиги 17 соату 29 минут, қуёш соат 3.45 минутда чиқиб 21-14 минутда ботар экан. «Учиш учун энг қулай вақт, — ўйлади Соколов, — ажойиб қуёш бугун, ойнинг ўн учи... Бошқалар учун бахтсиз ҳисобланган бу кун менга доим бахт келтиради...»

Соколов девор яқинига қўйилган китоб жавонлари ёнидан яна уёк-буёққа юра бошлади. Нарироқда самолёт моделлари қўйилган сўнгичклар турибди. Моделларнинг бир хили пўлатдан, алюминдан қуйилган, бир хиллари фил суягидан ясалган ёки ёғочдан ўйилган. Улар жуда кўп, ҳар бири синовчи—учувчи Соколов таржимаи ҳолининг маълум бир даврини акс эттириб тургандек. Булар Соколов томонидан турли даврларда синаб кўрилган самолётларнинг «портрет»лари эди.

Ҳу анови, қанотлари ярқираб турган икки моторли машинада у Сахалинга учган эди. Моделнинг устига хотини унинг фалокатга учраш олдидан фотомухбир томонидан осмонда олинган суратини катта қилдириб, осиб қўйибди. Катта, кенг юзлари дағал, бақишлари жиддий, кўзлари ҳиёл қисилган... Ўшанда Татар қўрфази орқали учган эди. Минг метр тепаликда кутилмаганда, ўнг моторнинг винти чиқиб кетди-ю, даҳшатли бир қуч билан кабинага урилди. Соколовнинг юзига ойна парчалари урилиб, қон оқа бошлади. Штурвалда ўтиркан, бутун диққат-эътиборини секунд сайини яқинлашиб келаётган ерга қаратиб, юзларидаги қонни артар, нима бўлаётганига ҳамон тушунмаси. Ер эса яқин, яна ҳам яқин қолдиди... Машина зарб билан ерга урилди, титраб силкинди... Учувчи фалокатдан омон қолди, аммо чекка сочлари оппоқ оқариб кетганди, ҳа, бу дақиқа ҳаётидаги энг оғир дақиқалардан бўлгани эди...

Авиамоделлар «парад»нинг энг охирида узоқда учадиган разведкачи самолётнинг ихчамгина нусхаси турибди. Ихчам ишланган бу самолётнинг узун қанотлари қип-қизил, икки қирраси ханжар тиғидек ўткир. Енбошига чиройли харфлар билан «Шунқор» деб ёзиб қўйилган. Бу янги разведкачи самолётни парвози баланд қушлардан бўлган шунқорнинг номи билан аташган. Шиддатли учаётган бўлган шу қуш билан қадим бўри, тулки сингари ёввоий махлуқларни овлашар экан, «Шунқор» деб номланган бу самолёт билан эса душманнинг ҳарбий объектларига ов қилинади.

Соколов бу самолётнинг «туғилиши»да бошдан оёқ иштирок этди. Ҳали чертёж ҳолидаёқ конструктор у билан маслаҳатлашди, фикр олишди. Учувчи, чертёжлар завод цехларида аста-секин деталларга айланаётганини, самолёт туғилаётганини ўз кўзи билан кузатди. Кейинчалик унга меҳр-муҳаббат қўйиб, «тарбиялаш»га киришди: бетон йўлакларда ўзи юргизиб кўрди, аста-секин осмонга кўтарилди, бора-бора статосфера бўшлиқларигача учиб борди, яқин ва олис маршрутлар бўйлаб парвозлар қилди. Машинада қанча кўп учган сари унга бўлган муҳаббати ҳам оша борди. «Шунқор» совет конструкторларининг улкан ютуги эканлиги шундоқгина кўриниб турарди. Уни бошқариш ҳам осон, ёқилги кўп сарфланмайди, бунинг устига жуда тез учади. Ўн минг метр тепаликда ҳам унинг учиш тезлиги соатига 700 километрга ета олиши мумкин. Бунақанги самолёт ҳали бизда йўқ эди. Кўрлаб ишлаб чиқариш учун уни энг охирги бор оғир синовдан ўтказиш даркор. Конструктор Киреев билан синовчи — учувчи Соколовнинг фикрича бу сўнгги синов парвозининг баландлиги, маршрутнинг олислиги билан аввалгиларга якун ясаш керак эди — самолёт СССР чегараларининг энг охирги нуқтасигача ҳеч жойда қўнмасдан учиб бориши даркор. Ана шундай олис-олисларга дадиллик билан парвоз қилиш фикри Соколовда аллақачон туғилган эди. Аммо мос келадиган машина ҳали яратилмаганди. «Шунқор»да учиб кўрди-ю, Соколов фақат мана шу самолётдагина ўз ниятини амалга ошириш мумкинлигини пайқаб қолди.

Соколов осмон сафарларида кўпинча бирга бўладиган дўстлари: тажрибали штурман Александр Павлович Гришин, доимий борт механиги Константин Константинович Морозовлар билан оирга, гарчи учишга расмий рухсат этилмаган бўлса-да, норасмий бўлса ҳам тайёргарлик кўра бошлади. Олисга учиш учун нималар керак бўлишини ҳар томонлама ўйлаб кўриши, маршрутни синчиклаб ўрганиши. 25 минг километр масофани учиб ўтиш графигини ҳам тузиб қўйиши. Кейинчалик экипажга тўртинчи аъзо — Юсуф Раҳимов ҳам қўшилди. Соколов техникининг ички-чиқиларига яхши тушунадиган, ёш бўлишига қарамай хийла талантли бўлган бу жасур йигитни ўзи тарбиялаб вояга етказаётган эди...

1924 йил. Тошкент аэродромида Соколовга қорачадан келган ёшгина бир йигитча қийналиб бўлса ҳам рус тилида мурожаат қилиб қолди:

— Ўртоқ, қизил учувчи! Сўрашга рухсат беринг! Ҳамма иш жойида, 30 минутлардан сўнг учишимиз мумкин.

Бу орада Юсуф ҳам машина бакига, бензинни тўлдириб Соколовга яқинлашди-да унга тақлид қилиб, қўлини дўпписининг жиягига тираганча рапорт берди:

— Ўртоқ ҳаво кораблининг командири! Сўзлашга рухсат беринг, бак ёнилига лиқ тўлдирилди!

— Раҳмат, Ўртоқ Раҳимов! — ташаккур билдирди учувчи. Сўнг қўлини боланинг елкасига ташлаб эркаловчи бир оҳангда қўшиб қўйди. — ишонаманки, сен билан биз яна учрашамиз.

— Сиз, сизлар Хивага учяпсизларми? — шошилиб сўради Юсуф.

— Кўп биламан, десанг тез қариб қоласан! — деб ҳазиллашди комбриг.

— Хива менинг она шаҳрим бўлади-да, — тўсатдан юзлари ғамгин тортиб деди Юсуф. — бесмачилар ойим билан адамни ўлдиришгач, мени бу ерга, катта опамнинкига олиб келишганди. Еттинчи классни шу ерда битирдим. Учувчиликка ўқимоқчи эдим, ёшсан деб олишмади. Барибир, учувчи бўлмасдан қўймайман, билиб қўйишсин.

— Албатта учувчи бўласан ҳам! — Нима тўғрисидадир ўйланиб деди комбриг. Кейин шошилиб сўради:— қани айтчи, сен ўз шаҳрингнинг пасти-баландини яхши биласанми?

— Бўлмасам-чи! — жонланиб кетди Юсуф, — мен яқиндагина «Юнкерс»да ҳам бориб келдим, командири олиб кетувди...

— Тездан тайёргарлигингни кўр бўлмасам, бошлигингга ўзим тушунтираман, — деди комбриг.

Эрталаб қуёш чарақлаб турган бир пайтда қўнка парвоз қилишди. Аммо, йўлнинг ярмини учиб ўтишгач, ерда кучли шамол туриб сахро юзини қум тўзони қоплади. Самолёт қанотлари остида баъзан уюм-уюм қумлар кўриниб қолади. Мана, қум уюмлари орасида отлиқлар тўдаси кўзга ташланганидек бўлди. Отлар ҳуриниб, ўзини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга уришяпти, қоқиляпти. Отлиқлар милтиқларини қўлларига олиб, тартибсиз ўқ ота бошлашди.

Хивага етадиган вақт ҳам бўлиб қолди, аммо шаҳар негадир ҳамон кўринмайди, шамол самолётни бошқа томонга суриб юборганга ўхшайди. Учувчи ўз машинасини хиёл пастлатиб, шамол туфайли ҳосил бўлиб, уфқларга чўзилиб кетган қум тўзонлари орасига синчиклаб назар ташлади. Кутилмаганда карвонни кўриб қолди у. Олдинроқда қизил аскарларнинг унча катта бўлмаган отлиқ отряди боряпти, орқада юк ортилган туялар.

— Ўзимизникилар! — қичқириб юббраёзди комбриг, — уларга яқинроқ бир жойга қўнишга ҳаракат қилиб кўринг.

Танланган жой текислигина экан, самолёт осонгина қўниб олди. Отряд командири дарров ҳисоб берган бўлди. Разведна келтирган хабарларга қараганда, деди у, Хива шаҳрини босмачилар яна қуршаб олибди, шаҳарда овқат оз, ҳимоячиларнинг ўқ-дорини ҳам тугаб қолган.

Нималар қилиш кераклиги ҳақида дарҳол келишиб олишди. Соколов шаҳардаги маҳаллий гарнизон жангчиларига ўз самолётини пастлатиб бориб, қопларда ўқ дори ташлаб келадиган бўлди. Юсуфга ҳам иш чиқиб қолди. У ҳарбий самолётда жанговар кузатувчи сифатида ўз шаҳри устидан тўрт бора учиб ўтди. Шаҳар қўрғонлари атрофини қуршаб олган босмачиларнинг шундоққина тепасидан ҳам учиб ўтишга тўғри келди. қўрқиб кетган отлар эгасини йиқитиб, ҳар томонга қочиб қолишди.

Ниҳоят, орадан уч кун ўтгач, отряд Хива гарнизони жангчилари билан эсон-омон қўшилди. Бу орада қанчадан-қанча босмачиларни қўрғон деворлари остида ер тишлатишди. Омон қолганлари эса саҳрога қараб қочиб қолишди.

Учувчи Соколов қўрқмас бу йигитча билан Тошкентга сиҳат саломат қайтиб келди. Ана ўшандан буён икковлари деярли бирга. Соколов унга учувчилар мактабига кириши учун қўлидан келган ёрдами аямади, қандай ўқиётганини оталарча кузатиб борди. Юсуфда, Соколовнинг фикрича, баъзи туғма учувчиларда бўладиган «еттинчи сезги» яъни осмонни ҳис қилиш сезгиси жуда кучли эди. Шунинг учун ҳам Соколов навбатдаги синов учишига, ҳали рухсат берилмаган бўлсада, Юсуфни ёрдамчи учувчи сифатида қабул қилиб олди.

Завод директори ҳам, конструктор ҳам, авиация саноати халқ комиссарлигидагилар ҳам СССР чегарасигача бориб тақаладиган бу катта парвозга рухсат берилишига озгина бўлса ҳам шубҳа қилишмасди. Бугун бу масала Марказий Комитет сиёсий бюросида атрофлича муҳокама қилинияпти, ҳамма нарса мана шу бугун ҳал бўлади, деб бетоқат бўларди Соколов, эҳтимол худди шу нафасниг ўзида телефон қилиб тайёргарлигингизни кўраверинг, деб айтиб ҳам қолишар...

Аммо телефон жим, ҳамон жим у.

Соколов деразаларни ланг очиб юборди. Хона авиамоторларнинг кулоқни қоматга келтирувчи бўғиқ овози билан лиқ тўлгандек бўлди. Бу ердан Ленинград шоссесидаги марказий аэродром бемалол кўриниб турибди. Ҳу ана, кўк қўнгизга ўхшаб кетадиган юк ташувчи самолёт секин-аста пасайиб қўнишга ҳозирлик кўряпти. Нарироқда, учиш майдонининг қоқ тепасида эса тез учар қирувчи самолёт чарҳпалак бўлиб, ўз санъатини намойиш қиляпти.

Соколов дераза олдидан телефонга яна кўз ташлади. Худди мўъжиза юз бергандек, шу пайтда телефон жиринглаб қолса бўладимиг

— Соколов эшитади! — ҳовлиқиб деди у. Аммо штурманнинг бўғик овозини эшитгач, бўшашганча, креслога ўтириб қолди, — нима гапинг бор эди, ўзи?

— Анави нима бўлди экан, билмадингми?

— Мен сенга айтган эдимку, билган захотим дарров маълум қиламан... Оғайни худди ёш болалек бетоқатсан-а. Энди трубкани ўз жойига илиб қўй. Мен қўнғироқ қилишларини кутяпман... — деди Соколов. Кейин «бетоқатликда ўзим ёш болада. баттарману, яна бировларга таъна қиламан-а» деб ўйлади. Орқасига ўгирилган ҳали, остонада турган ойисига кўзи тушиб қолди.

— Ҳалиям кутяпсанми? — оҳиста сўради Марфа Афанасьевна.

— Кутяпман. Ойи, қандай қарор чиқаришар экан-а?

— Қандай бўлса ҳам тўғри қарор чиқаришади. Кўп, ўғлим. Мен магазинга боряпман, Вова ошхонада ўйнаб ўтирибди. Хабар олиб тўгин.

— Юр энди, уёқ-буёғимизни сал тартибга келтириб олайлик, — деди ўғлига, — бўлмаса, ойинг келса балога қоламиз.

— Нақ таъзирларингни бериб қўяман-а! — ясама жиддийлик билан деди ичкари кириб келаётган ёшгина аёл, — менинг йўлимда нималар қилиб ўтирибсизлар ўзи?

— Докторга саломлар бўлсин! — хурсанд бўлиб кетди Соколов, — бугун касалхонадан эртароқ келибсан-ми?

— Қанақанги оғир операция қилганимни билсанг эди?

Юрий Александрович хотинини бағрига олиб, суюш учун у томонга юрган эди ҳамки, хотини юзини ўгирди:

— Кийимимни ифлос қиласан, қўлингнинг кирлигини кара! Икковларинг ҳам худди мўри тоза, ловчиларнинг ўзи бўлиб қопсизлар...

— Бордан юкади-да! — кулиб деди Соколов.

— Юсуф билан бирга юравериб, маҳолни шунақанги кўп ишлатадиган бўлиб кетибсанки, — деди Нина Михайловна.

— Ойижон, буни кўр, мен машинамни ёғладим, — деб қоли Вова.

— Қани, ваннага жўнаб кол-чи, ёғлаган эмиш-а... Тез-тез бўл, — буюрди Нина Михайловна.

Ота-бола ваннада нима тўғрисидадир кулиша-кулиша ювинишар экан, бу орада Нина Михайловна столга ёғулин келтириб қўйбошлади. Овқатланишиб ўтирганда телефон узиб-узиб узоқ жиринглади:

— Ўртоқ Соколовми? Марказий Комитетдан гапиряпмиз. кечкурун совет ўнга Кремлга келишингизни сўраймиз. Пропуск тайёрлаб қўйилди...

русчадан Х. ТУХТАБОЕВ таржимаси.

Планетамизда

Аванпост ёнида жанглар

ПАРИЖ, 21 март. (ТАСС). Сайгондан 550 километр шарқи-шимолда жойлашган Анхоа аванпости ёнида жанубий Вьетнам озодлик армиясининг жангчилари билан қўғирчоқ ҳукумат қўшинлари ўртасидаги шиддатли жанг бир сутка давом этди. 19 март кечқурун ватанпарварларнинг зарбаси остида аванпост таслим бўлди. Франс пресс агентлигининг мухбири Жанубий Вьетнам ҳарбий вакилининг айтганларига асосланиб, Сайгондан хабар беради: пост гарнизони катта талафот кўрди. Талай кишининг ўлдирилганлиги ва ярадор қилинганлиги билан бир қаторда, гарнизон солдатларидан кўп киши бедарак йўқолиб кетган.

Жаҳон афкор оммасининг ҳукмига

ХАНОЙ, 21 март. (ТАСС). Жанубий Вьетнамда «Америка империалистлари ва уларнинг шериклари Жанубий Вьетнамдаги ҳарбий жиноятларини қораловчи комитет» тузилган, деб хабар беради ВИА агентлиги Озодлик агентлигининг хабарига асосланиб.

Комитет Америка агрессорлари ва уларнинг малайлари томонидан Жанубий Вьетнамдаги агрессив уруш жараёнида қилинган жиноятлар тўғрисидаги материалларни ўрганиб чиқади, шу жиноятларга доир ҳужжатлар ва маълумотларни тўплайди ҳамда уларни эълон қилади.

Индонезиядаги аҳвол

ПАРИЖ, 21 март. (ТАСС). Индонезия армияси информация хизматининг бошлиғи бригада генерали Суброто Индонезия журналистлари бирлашмасида тозалаш ўтказиш тўғрисида фармойиш берган, деб хабар қилади Франс пресс агентлигининг мухбири Сингапурдан. Мухбирнинг Жакарта радиоси берган эшиттиришга асосланиб хабар қилишича, тақиқланган коммунистик партия аъзоларини бирлашмадан чиқариб юбориш мақсадида ана шу тозалашни ўтказиш тўғрисида фармойиш берилган.

НЬЮ-ЙОРК, 21 март. (ТАСС). Жакарта радиосининг берган хабарига кўра, ҳарбий маъмурлар Шимолий Суматрадаги барча сиёсий партияларнинг фаолиятини вақтинча тақиқлаб қўйганлар. АП агентлигининг мухбири Сингапурдан хабар беради: Жакарта радиоси Индонезиянинг бу районида барча оммавий митинглар ва намойишлар тақиқланганлигини ҳам эълон қилган.

Угандада зилзила

ЛОНДОН, 21 март. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Кампаладан хабар беради: Зилзила натижасида Ғарбий Угандадаги Бвамба шаҳрида кеча юздан кўпроқ киши ҳалок бўлган.

КИТОБХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

БУХОРО. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан**). Областнинг Ғиждувон районида ёзувчилар билан китобхонлар учрашуви бўлиб ўтди. Шуҳрат, Ҳайриддин Салоҳ, Саъдулла Кароматов ўртоқлар ўз режалари ҳақида китобхонларга сўзлаб бердилар. Бухоролик шоир Тошпўлат Ҳамид янги шеърларидан ўқиб берди.

Бухоро Давлат педагогика институтида, шунингдек КПСС XXIII съезди номидаги Аму—Бухоро машина канали қурувчилари билан ҳам шундай учрашувлар ўтказилади.



ЁРДАМ УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

ХАНОЙ, 21 март. (ТАСС). Бу ерда совет халқининг Америка агрессиясига қарши курашда вьетнам ҳалқига кўрсатаётган ёрдамига бағишланган виставка ёпилди.

Пойтахт аҳолисида виставка зўр қизиқиш туғдирди. Виставка ишлаб турган 25 кун ичида уни 150 мингдан кўпроқ киши келиб кўрди. Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти Хо Ши Мин ва Бош министр Фам Ван Донг виставкани кўздан кечирдилар.

Кўпгина томошабинлар виставкадан кета туриб, таассуротлар дафтарига ўз фикр ва ҳис-туйғуларини ёзиб қолдирдилар.

Улар тинч шароитда социализм қуришда, ватанни бирлаштириш учун курашда. Америка агрессиясини даф этишда вьетнам халқига ёрдам кўрсатаётганлиги учун совет кишиларига ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этдилар.

БЕЛЬГИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БРЮССЕЛЬ, 21 март. (ТАСС). Бу ерда Бельгия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди, деб хабар беради «Драпо Руж» газетаси. Пленумда Бельгиянинг янги ташқи сиёсатни ўтказиши ва унинг НАТОдан чиқиши учун кураш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Пленум Бельгия Коммунистик партиясининг раиси Эрнест Бюрнелнинг мамлакат проблемаларига ва барча ишчиларни ҳамда демократик кучларни бирлаштириш истиқболларига бағишланган докладини муҳокама қилди.

● ● ● ●

Канаданинг келгуси йилда Жаҳон виставкаси очиладиган Монреал шаҳрида худди шундай ажойиб минора қурилиш кўзда тутилмоқда. Меҳмонхона, кафе-ресторан ва дансинг шу минорада жойлашади. Бу ажойиб меҳмонхонанинг юқори қавати атрофни томоша қилиш жойига айланади.

Кейстон—ТАСС фотоси.

ПОКИСТОН МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Покистонликлар бугун, 23 мартда Покистон республика деб эълон қилинганлигининг 10 йиллигини байрам қиладилар. Покистон халқи 1947 йилда мустамлака асоратидан қутилиб, сиёсий мустақилликка эришди ва мустақил тараққиёт йўлига чиқиб олди. Покистон республикаси ташкил этилгандан сўнг тез орада Совет Иттифоқи Осиёдаги бу янги давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатди ва ҳар икки давлат ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланиб бормоқда. Совет ҳукуматининг бошлиғи А. Н. Косигин СССР билан Покистон ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида гапириб шундай деган эди: «Совет Иттифоқи ҳамма вақт халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик, уларнинг озод ва тенг бўлиши тарафдори бўлиб келди. Мамлакатларимизда турли ижтимоий тузум мавжуддир. Жамият тараққиётига, халқаро спёсатнинг айрим конкрет масалаларига қарашларимиз турличадир. Бизнинг эътиқодимизча, ижтимоий тузумга турлича қарашлар халқларимиз яхши қўшни ва дўст бўлишларига, мамлакатларимиз ҳукуматларининг ўзаро ҳамкорлик қилишларига тўсқинлик қилмаслиги керак».

Ленинча тинч-тотув яшаш принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи қўшни мамлакатлар билан тўла тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирини ҳурматлаш асосида ўзаро муносабатларни ривожлантириш тарафдори бўлиб келди. Совет Иттифоқининг иқтисодий ҳамкорлик сиёсатига томонларнинг тенг-ҳуқуқлилиги ва ўзаро манфаатдорлиги негиз қилиб олинган.

СССР билан Покистон ўртасида тузилган савдо алоқалари ҳам ўзаро манфаатдорликка асослангандир.

Совет Иттифоқи Покистоннинг ривожланаётган саноати эҳтиёжларини ҳисобга олиб, 1956 йилда Покистонга саноат ҳом ашёлари, жумладан пўлат етказиб бериш тўғрисида битим тузди. Бу битимга мувофиқ Покистон ҳом ашё учун рупий билан ҳақ тўлади. Бу эса Покистонга чет эл валютасини сақлаб қолиш имконини берарди.

1956 йилда А. И. Микоян бошчилигидаги Совет ҳукумати делегациясининг Покистонга визити СССР билан Покистон ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни вужудга келтиришга ёрдам берди. Покистон ҳукуматининг фойдали қазилмаларни қидириб топиш соҳасида ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосига мувофиқ 1961 йил 4 мартда Карачида нефть қидириш ва разведка қилиш бўйича Совет—Покистон битими имзоланди. Бу битимга кўра СССР Покистонга 12 йил муддатга 30 миллион доллар кредит берди ва қўшни мамлакатга мутахассислар юборди, шу билан бирга қидирув ишларини давом эттириш учун беш йил ичида покистонликлардан кадрлар тайёрлаб бериш мажбуриятини олди.

Совет мутахассислари 1962 йилдан бошлаб чет эл компаниялари муваффақиятсиз иш олиб борган районларда ҳам жуда катта геологик ва геофизик ишлар комплексини бажардилар. Қидирув ишларининг совет методикаси ижобий самаралар берди.

Сўнгги йилларда ҳар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар мустаҳкамланди. 1963 йилда имзоланган савдо битимлари, шунингдек 1963 йил декабридан бошлаб СССР билан Покистон ўртасида мунтазам ҳаво йўли очиш тўғрисидаги битим ўзаро иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлади.

Покистон Президенти Аюб хонинг 1965 йил апрелида СССРда бўлган вақтда имзоланган 1965—1966 йилларда ҳар икки давлат ўртасидаги товар оборoти ҳақидаги битим ҳам Совет Иттифоқи билан Покистоннинг иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. 1966 йил январида СССР билан Покистон ўртасида янги савдо битими тузилди. Бу битимга мувофиқ ҳар икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми бу йил уч баравар кўпайди.

Совет Иттифоқи ўзаро фойдали савдо битимлари тузиш билан бирга саноат корхоналари барпо қилишда, бўш ётган ерларни ўзлаштиришда ва боғ-боғлар қуришда Покистонга иқтисодий жиҳатдан кўмаклашмоқда. Нефть қидириш ишлари учун, шунингдек қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқа ускуналар сотиб олиш учун Совет Иттифоқи узоқ муддатли қарз берди.

«Доон» газетаси Совет—Покистон ҳамкорлиги тўғрисида қуйидагиларни ёзганлиги бежиз эмас. «Совет иқтисодий ёрдами бошқа мамлакатларнинг, хусусан Ғарб мамлакатларининг ёрдамидан анча фарқ қилади. Бундан ташқари совет иқтисодий ёрдамининг қўпчилик ривожланаётган мамлакатлар учун маърифат томондан ҳам аҳамияти бор». Газета «Руслар»нинг саноат базасини ҳайрон қоларлик даражада қисқа муддатда қуриш йўли ҳозирги вақтда асрий қашшоқликдан қутилишга интилаётганларни кўп нарсага ўргатади» деб алоҳида таъкидлайди.

Совет Иттифоқи билан Покистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш ишига Совет Иттифоқидаги бошқа қардош республикалар билан бир қаторда Ўзбекистон ҳам ҳисса қўшмоқда. Совет Шарқининг гуллаб-яшнаётган республикаларидан бири бўлган Ўзбекистон ҳозирги вақтда ўз маҳсулотларини жаҳондаги 71 мамлакатга экспорт қилмоқда. Покистон республикамиздан чигит экадиган сеялкалар, кўприк кранлар, тўқимачилик ускуналари, тракторлар ва шунинг каби бошқа саноат маҳсулотлари сотиб олади.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги маданий алоқалар ҳам тобора ривожланмоқда. Покистон классик ва ҳозирги замон адабиётининг энг яхши намуналари Тошкентда ўзбек тилида нашр қилинмоқда. Тошкент билан Карачи шаҳарлари дўстлиги ҳам мустаҳкамланаётир.

Ҳиндистон — Покистон конфликтини бартараф қилишда ўз холис хизматини таклиф қилган СССР ҳукуматининг олижаноб ташаббуси Покистон — Совет муносабатларининг ривожлантирилишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Социалистик Ўзбекистон пойтахтида имзоланган тарихий Декларация Ҳиндистон ва Покистонга барча низоли масалаларни тинч ҳал қилиш йўлини очиб берди, ҳар икки мамлакат ресурсларини экономикани юксалтиришга қаратиш имконини берди. Жуда кўп мамлакатлардаги матбуот таъкидлаб ўтганидек, Тошкент учрашувининг якуни Ҳиндистон ярим ороли халқлари учунгина аҳамиятли бўлиб қолмай, балки Африка ва Осиёдаги бошқа мамлакатлар учун ҳам низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этишнинг намунасидир.

Жаҳон матбуоти, жумладан Покистон матбуоти Ҳиндистон билан Покистон ўртасида бир битимга келишишда Совет ҳукуматининг бошлиғи А. Н. Косигининг холис хизматига юксак баҳо берди. Тошкент Декларацияси тинчликнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлган Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги обрў ва эътиборини янада юксак кўтарди. Покистоннинг кўпгина жамоат арбоблари олижаноб ташаббус учун мамлакатимизга миннатдорчилик билдирдилар. Покистоннинг барча прогрессив кучлари Тошкент Декларациясини қўллаб-қувватламоқдалар. Миллий халқ партияси раиси М. Бхашанининг гаплари билан айтганда, «Тошкент Декларацияси Покистонда империалистик таъсирни сусайтиради ва Покистоннинг социалистик мамлакатлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди».

«Покистон халқи, деган эди президент Аюбхон, Совет Иттифоқининг маълум халқлар озодлиги учун курашдаги ролини юксак баҳолайди. Совет Иттифоқи Ленининг 1917 йилдаги машҳур декретидан буён халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўллаб-қувватламоқда ва ана шу ҳуқуқ учун курашаётган халқларга ҳамда мамлакатларга қимматли ёрдам кўрсатмоқда.

Покистон халқи ўз мамлакатини ривожлантириш ва турмуш даражасини ошириш учун курашаётган экан, албатта ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганади. Совет Иттифоқининг улкан ютуқлари бизни руҳлантирмоқда».

Совет кишилари, жумладан Ўзбек халқи Покистон халқини миллий байрами билан табриклаб, экономикани ривожлантириш ва социал тараққиёт йўлида катта муваффақиятлар тилайдилар.

С. ТАНСИҚБОЕВА,
Ю. ПОНОМАРЕВ.

ПОКИСТОН ШОИРИ ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ ҲАҚИДА

Ҳофиз ЖАЛАНҲОРИЙ.

ТОШКЕНТ

Қалбимизнинг қувончи, Тошкент,
Сен биз учун азиз, муқаддас!
Фикру хаёлимиз қуёши, Тошкент,
Осиё қалбисан ҳар нафас.
Гўзал шаҳар, сен меҳри тошқин.
Ҳаётдаги оғир зулматни
Сен ҳайдадинг маёқ сингари.
Йўлимизда бир машъал бўлиб,
Сен ундадинг бизни илгари!
Бахтга очиқ дарвоза ўзинг,
Қуёш янглиғ овоза ўзинг,
Океанга оққандай дарё
Икки қитъа ўғил-қизлари
Қучоғингда учрашдилар шод,
Келажакдан янграб сўзлари,
Тинчлик, ҳурлик, меҳнат, саодат, —
Чақириғи сен учун одат!
Элларга омон-омон Тошкент,
Яхшиликка соябон Тошкент!
Қалбимизнинг қувончи ўзинг,
Сен биз учун азиз, муқаддас.
Фикру хаёлимиз қуёши ўзинг,
Осиё қалбисан ҳарнафас!

Маъруф ЖАЛИЛОВ.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР—РЕДАКЦИЯ МЕҲМОНИ

Германия Демократик Республикасида чиқадиган «Берлинер Цейтунг» газетаси редакторининг ўринбосари Клаус Вайзе мамлакатимизга меҳмон бўлиб келди. Чет эллик журналист мамлакатимиз билан танишар экан, республикамизга ҳам келди ва «Совет Ўзбекистони» редакциясида бўлди. У ГДР меҳнаткашларининг ҳаёти ва турмуши ҳақида сўзлаб берди. Чет эллик меҳмон «Совет Ўзбекистони» газетхонларига яхши истаклар билдириб, қуйидагиларни ёзиб қолдирди.

«Совет Ўзбекистони» газетхонларига самимий салом

Мамлакатингизга келиб, унутилмас ажойиб таассуротлар олдим. Мен ГДР дан Совет Иттифоқининг дўсти сифатида келган эдим, сизларнинг юртингизда бўлиб, эндиликда сизлар билан биродар каби ҳайрлашаётирман. «Совет Ўзбекистони» газетасининг ҳамма ўқувчиларига коммунизм қурилишида катта муваффақиятлар тилайман. Мамлакатларимиз орасидаги масофа жуда узоқ бўлса ҳам, бизни умумий мақсад бирлаштириб турганлигини ва ҳеч қандай нуч орамизга раҳна сола олмаслигини сезиш нақадар яхши.

Клаус ВАЙЗЕ,

«Берлинер Цейтунг» газетаси редакторининг ўринбосари.

Тошкент, 1966 йил 22 март.

ИККИ ШЕЪР

НЕГА ЯШАЯПМАН...

Нега яшаяпман ёруғ дунёда?
Боболар йўлини такрорлашгами?
Отамнинг чироғи ёнган бинода
Ўзимга меросхўр тайёрлашгами?
Тунни тонготарга улаган бўлсам,
Уйимнинг тўрини бировга бериб;
Кундузи пўлат ё мис пайванд қилсам,
Қалбим гўзаллиги, қўрини бериб;
Узгалардан нўра нўп алам чексам,
Баҳам кўрсам фақат шодлигим ошкор,
Ишонч ва садқат уруғин эксам,
«Сабаби тириклик» эмасдир зинҳор.

□ □

КЕЛМАДИ

Оҳ, негадир дўстим келмади.
Йўлга чиқиб турдим дам-балам,
Дам ўтирдим, юрдим дам-бадам.
Утганлардан сўрадим бир-бир,
Йўловчилар тугади охир.
Оҳ, негадир дўстим келмади.

Фавқулодда бир иш чиқдими?
Ё эсидан келиш чиқдими?
Ё қўйдими отин йўқотиб,
Ёки ўзи қолдими ётиб?
Оҳ, негадир дўстим келмади.

Шифтда турган қовунни «уздим»,
Мусалласли кўзани бузадим.
Қўл тегмасдан турибди ҳануз,
Буларга-ку қилмайман афсус,
Оҳ, негадир дўстим келмади.

Маъруф ЖАЛИЛОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

Республикамиз областлари радиофестивали.

Эфирда — Тошкент.

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 —Тошкентликлар учун концерт, 9.30 — Кичик концерт, 10.10 Тошкент область ижроия комитети раиси Э. Шайхов сўзи, 10.20 — Концерт, 11.10 — Тошкент область партия комитети секретари А. С. Пономарев сўзи (рус.), 11.20 — Тошкент ҳақидаги қўшиқлар, 13.40 —Совет композиторлари қўшиқлари, 14.00 — Тошкент пахтакорлари кўклам экиш мавсумини пухта тайёргарлик билан кутиб олмоқдалар, 16.10 — Тошкент — съезд олдидан (рус.), 16.20 —Музикали Тошкент, 17.00 —«Ёшлик» радиостанцияси, 18.10 — Эстрада оркестри, 18.30 — Тошкентлик машинасозлар учун концерт, 19.20— Қозоқ куйлари, 20.00 —«КПСС XXIII съезднинг муносиб кутиб оламиз» (рус.), 20.10 —Концерт (рус.), 20.45 — «Жонажон партия, биз ҳамиша сен билан», 21.20 —«Қалб ва қўёш ҳарорати», 21.30 — Тошкент области меҳнаткашлари учун концерт, 22.00 — «Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим фактори» (суҳбат), 22.15 — Тошкент области халқ талантлари концерти, 22.40 — Шоирлар Тошкент ҳақида, 23.20 — «Қишлоқ оқшоми».

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 дан — **Москва телестудияси** кўрсатади.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕСТУДИЯСИ ЭШИТТИРИШЛАРИ

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Қизил галстук** тележурнали, 19.00 — **Яйлов қаҳромонлари** (чорвадорлар учун), 19.15 — **«Шарқ юлдузи» журнали** саҳифаларида, 19.40 — **Музика истиқболи эгалари.**

Рус тилида: 20.30 — **Телевизион янгиликлар**, 20.45 — **Эртаги кун программаси.**

20.50 дан — **Москва телестудияси кўрсатади** (тажриба тариқасида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕСТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

Рус тилида: 18.00 — **Софдилника синов** (болалар учун), 18.35 **Мактаб ўқувчиси календари**, 19.10 — **Ангуама** (ҳужжатли фильм), 19.20 — **Тошкент янгиликлари**, 19.30 — **Бадиий музей** (телефильм), 20.00 — **Орган куйлари** (Свердлов номли концерт залидан).

Ўзбек тилида: 21.00 — **Кўй водий серенадаси** (телефильм), 21.20 — **Тошкент янгиликлари**, 21.30 — **Олғирлар** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/III да **Севилья сартароши**, 24/III да **Мазепа.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/III да **Уғирланган умр**, 24/III да **Қотил.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/III да **Кимга тўй, кимга аза**, 24/III да **Нурхон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Лўлилар» аттракциони** ва бошқа томошалар. Аттракционнинг бадиий раҳбари — **Я. Брестлер.**

КИНО

Уттиз уч (янги кенг экранли кинокомедия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Почта поездининг таланиши — СОВИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (2-залда), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Питнининг касалхонадаги саргузаштлари — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «МОСКВА», «ИСКРА», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Геракл жасорати — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 2 ва кеч 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 ва кеч 9-45 минутда), «ЮЛДУЗ» (кундуз 5, кеч 7 ва 9 да).

Куз ҳали узоқ — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10, 11-45 минут, кундуз 1 ярим ва 3-15 минутда).

Дон-Кихот болалари — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

24 март кундуз соат 3 да «Физкультурник Узбекистана» газетасининг мукофоти учун: **«Политотдел» (Тошкент области)— «Шахтёр» (Қараганда) командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

Революция сквери ва Қўйлиқдан махсус автобуслар қатнайди.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА

мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида **кундузги ва кечки спектакллар**

репертуар плани

24/III да — кундуз ва кечқурун **Қотил.**
25/III да — кундуз **Қутлуғ қон**, кечқурун **Сарқомат дилбарим.**
26/III да кундуз **Биринчи муҳаббат**, кечқурун **Қирол Лир.**
27/III да — кундуз **Насриддин саргузаштлари**, кечқурун **Қирол Лир.**
29/III да — кундуз **Қутлуғ қон**, кечқурун **Қонли сароб.**
30/III да — кундуз **Насриддин саргузаштлари**, кечқурун **Қирол Лир.**
31/III да — кундуз **Қотил**, кечқурун **Уғирланган умр.**

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар соат 7 яримда бошланади.

Касса эрталаб соат 10 дан очилади. Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

25 мартдан 30 мартгача

спектакллар плани

25/III да — **Нодира.**
27/III да — **Ота ўғли.**
28/III да — **Гули сиёҳ.**
30/III да — **Қари қиз.**

Спектакллар кундуз соат 12 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактабларнинг баҳорги каникул кунларида

24 мартдан 31 мартгача

КАТТА

цирк томошалари

Томошалар кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да бошланади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг

ТАБИАТ МУЗЕЙИ

мактабларнинг каникул кунларида

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ

экскурсияларига

КЕНГ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

Берилган заявкаларга мувофиқ илмий-оммабоп фильмлар ҳам кўрсатилади.

30 марта Ленинград шаҳрида

3% ЛИ Давлат ички ютуқ заёмининг

110-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

бўлади.

Заёмнинг йигирма разрядига 9.300.400 сўмлик 170000 ютуқ ўйналади.

3% ли заём облигацияларини сотиб олинг!

ТБИЛИСИ ШАҲРИНИНГ СПОРТ САРОЙИДА

31 мартдан 5 апрелгача

ОШИҚЧА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ТОВАРЛАРИ СОТИШ ЮЗАСИДАН

РЕСПУБЛИКАЛАРАРО

УЛГУРЖИ ЯРМАРКА

УЮШТИРИЛАДИ.

Давлат ва кооператив савдоси, шунингдек ҳамма системадаги саноат корхоналари чакана ва улгуржи ташкилотларининг вакиллари таклиф этилади.

Ярмаркада хилма-хил саноат ва озиқ-овқат товарлари тақдим қилинади.

Зарур масалаларда мурожаат қилиш учун адрес: Тбилиси шаҳри, Спорт саройи, Ярмарка комитети.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКА ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

физиология ва агрохимия бўлимларининг вакант мудирлари (фан докторлари ёки кандидатлари) вазифасида ишлаш учун

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 7/IV гача. Ҳужжатлар институт директори номига ёзиб тақдим қилинсин. Адрес: Тошкент область, Калинин район, Қозоқкенгсой почта бўлими.

«ПАХТАКОР»НИНГ БИРИНЧИ РАҚИБИ

Футбол бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун бўладиган мусобақаларнинг бошланишига оз вақт қолди. 10 апрель куни мамлакатимизнинг бир қанча шаҳарларидаги стадионларда футбол чемпионатининг байроқлари кўтарилади. Республикамиз пойтахти Тошкентда ўша куни севимли «Пахтакор» командамиз мамлакат чемпиони «Торпедо» командаси билан учрашади.

Маълумки «Пахтакор» дастлабки тўрт ўйинни ўз майдонида бронза медали олган Марказий Армия спорт клуби футболчиларидир.

Биз футбол ишқибозларини «Пахтакор»нинг биринчи рақиби Москванинг «Торпедо» командаси билан таништирамиз.

Торпедочилар машқлардан сўнг, мартнинг бошларида бир неча контроль учрашувлар ўтказиш мақсадида Ливанга жўнаб кетдилар. Ливандан қайтишгандан сўнг, улар ўртоқлик учрашувларни ўтказиш учун Швейцарияга боришади. Апрелнинг бошларида эса «Пахтакор» билан бўладиган учрашувга тайёрланиш учун Ўрта Осиё республикаларига келишни планлаштирмоқдалар.

Олий лигада қатнашувчи командалар орасида торпедочилар асосий составдан бирорта ҳам ўйинчисини йўқотмаган бирдан-бир командадир. Асосий составда А. Кавазашвили, В. Воронин, В. Ивановлар СССР терма командасининг аъзолари бўлганлиги сабабли халқаро матчларда қатнашадилар. Улар мамлакат биринчилиги учун бўладиган биринчи даврa ўйинларида қатнаша олмасалар керак.

Бу йил футбол шинавандалари «Торпедо» командаси составида ёш ўйинчиларни ҳам кўрадилар. Львов шаҳрининг «Карпати» командаси дарвозабони В. Балясников торпедочилар сафига қабул қилинди. Ҳимоя линиясида ўзгариш йўқ, ҳимоячилар В. Сараев, В. Шустиков, В. Марушко ва В. Андреюклар ўз ўрнида ўйнайди.

Ўтган йили команда ҳал қилувчи матчдан олдин Симферополь шаҳрида бир неча кун машқ ўтказган эди. Тренерлар маҳаллий «Таврида» командасининг ўйинчилари Н. Климов ва А. Ткаченкога алоҳида эътибор берган эдилар. Ҳар иккала қобилиятли ўйинчи «Торпедо» командасига таклиф этилди. Улар ҳозир команда аъзолари билан бирга мавсумга тайёрланишмоқда.

Шунингдек, иккинчи лигада қатнашаётган «Волга» командасидан В. Филякин, Серпухов шаҳрининг «Б» классда қатнашаётган «Звезда» командасидан В. Романов, Ногинск шаҳридаги «Знамя» командасидан ҳужумчи Г. Шалимовлар ҳам «Торпедо»га қабул қилиндилар.

Команданинг ҳужум линияси бўйича ҳали ноаниқликлар бор. Марказий ҳужумчилар бўлиб В. Шчербаков ва Стрельцовлар майдонга тушадилар. Бир қанча учрашувларда қобилиятли ёшлардан В. Сидоров ва С. Алексеев қанот ҳужумчиларни ўрнида ўйнаб ўзларининг талантли футболчи эканликларини кўрсатдилар. Лекин бу ўринларга кандидатлар орасида ўтган чемпионатларда ишқибозларнинг таҳсинларига сазовор бўлган Б. Батанов, В. Михайлов каби тажрибали ўйинчилар ҳам бор.

Командага ўтган йилги тренерлар коллективи раҳбарлик қиляпти. Командадан кетган тренер, спорт мастери Б. Хренов ўрнига спорт мастери В. Емишев тренерлик қилмоқда.

Ю. ДОВГАЛЕНКО.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 25 мартда чиқади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТОШКЕНТ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, № 26. Редактор—В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31226. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиши ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалик — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32317. Оммавий ишлар ва хатлар — В39005 В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

Бизнинг адрес ва телефонларимиз — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

№ Г — 67. | Индекс 64543. | Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. | Р. 07623.